



ЖИЗЗАХДА “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” МАССИВИ БАРПО ЭТИЛМОҚДА



Президентимизнинг 2021 йил 9 декабрдаги “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижроси доирасида Жиззах вилоятининг барча шаҳар ва туманларида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

2022 йил 17 апрелда Жиззах вилояти Шароф Рашидов тумани “Оқтош ота” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида қурилиши режалаштирилган “Янги Ўзбекистон” массивига тамал тоши қўйилгани ҳақида хабар берилган эди. Ушбу “Янги Ўзбекистон” массиви кечагина қир-адирлар-

дан иборат яйдоқ ҳудуд хувилаб ётган дашт эди. Бу жойда айна пайтда кичик шаҳарча қад ростламоқда. Барпо этилаётган биринчи 16 қаватли кўп хонали уй фойдаланишга топширишга тайёр. Қурилиб битказилган мазкур 16 қаватли турар жойнинг



ҳар бир қаватидаги 5 тадан икки ва уч хонали 80 оилага мўлжалланган янги хонадонларнинг қалитлари бугун-эрта “Янги Ўзбекистон” массивига кўчиб келадиган фуқароларга, яъни ўз эгаларига топширилади. Ҳар бир хонада пардозлаш ишлари дид билан амалга оширилган, барча коммуникация тармоқлари тўлиқ ўрнатилган. Иншоотлар янги инновацион технология, энерготежамкор материаллардан бунёд этилмоқда. Объектларнинг таъшиқ деворига қиш мавсумида совуқни, ёзда жазирама иссиқни ўтказмайди, Жиззахда ишлаб чиқарилаётган, энергиятежамкор базальт плиталари ўрнатилмоқда.

2-бет

ЙЎЛЛАР ҲАМ ЮРТ КЎРКИ

Акрамжон ҲАМДАМОВ, Наманган вилояти Автомобиль йўллари бош бошқармаси бошлиғи. ЎзА.

Халқимизда “Бозорлар – юрт кўрки” деган гап бор. Нафақат бозорлар, балки юртдаги ҳар бир иншоот, жумладан, йўллар ҳам унинг кўрки, фаровонлигининг кўзгуси ҳисобланади. Шу маънода кейинги йилларда республикамизнинг барча ҳудудлари қатори Наманган вилоятидаги мавжуд йўлларда ҳам кенг қўламли қурилиш-таъмирлаш ишларига гувоҳ бўлмоқдамиз.



Фикримизни вилоят Автомобиль йўллари бош бошқармаси томонидан амалга оширилаётган ишлар, галдаги режа-вазифалар ҳақидаги маълумотлар билан изоҳлашимиз мумкин.

Маълумки, Наманганда умумий ҳисобда 14 миң 11 километр автомобиль йўллари мавжуд бўлиб, бунинг 3 миң 377 километри умумий фойдаланувдаги автомобиль йўллари ҳисобланади. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари кўчалари эса жами 10 миң 634 километри ташкил этади. Албатта, бу йўлларнинг барчаси ҳам раvon йўллар эмас. Қолаверса, аксар йўллар серқатновлиги боис мунтазам таъмири талаб этади. Шу маънода жорий йил бошида вилоятда 5351,8 км йўллар таъмирталаб, деб топилган. Бунда аҳоли муҳожаатлари инobatта дархат ҳамда кўчатларни сақлаб туриш вазифалари бор. Бош бошқарма 2030 йилгача жами 456,1 километр ички йўлларни таъмирлашни режалаштирган.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг шу йил 12 майдаги қарори асосида Наманган вилояти миқсидида йўл инфратузилмасини яхшилаш учун 123 миллиард сўм маблағ эвазига жами 112 та объектда 216,5 км узунликдаги йўлларни асфальт қоплама билан таъмирлаш ишлари олиб борилиши режалаштирилган бўлиб, бугунгача 119,3 км ички йўлларда таъмирлаш ишлари тўлиқ аяқланган.

Шу ўринда Президентимизнинг 2022 йил 18 майдаги “Цемент-бетон қопламали автомобиль йўллари тармоғини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан вилоятда 2022 йил учун жами 180 км цемент-бетон қопламали ички йўллар қуриш режалаштирилганига эътибор қаратишимиз ўринли. Бу борада “Минтақавий йўллар буюртмачи хизмати” ДУК буюртмачилигида “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастури доирасида 51,8 миллиард сўм эвазига 72 км ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси” буюртмачилигида қўшимча ажратиладиган республика бюджетидан ва бошқа маблағлар ҳисобидан 56,6 миллиард сўм эвазига 92,2 км “Автойўл-инвест” агентлиги буюртмачилигида халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан 31,4 миллиард сўмлик 15,8 км цемент-бетон қопламали ички йўлларни қуришдан иборат буюртмачилик вазифалари белгиланган. Бугунга қадар “Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси буюртмачилиги асоси-

Тошкентда халқаро кўргазма ўтказилди

Муродбек ХАЙДАРОВ, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида Itesa Exhibitions халқаро кўргазмалар компанияси ва унинг ҳамкори ICA Eurasia Group ташкилотчилигида 4-6 октябрь кунлари Иситиш, вентиляция, муқобил энергия, сув таъминоти, сантехника, бассейнлар, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш технологиялари – Aquatherm 11-халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди.

Мазкур кўргазманинг очилиш маросимида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг ўринбосари Озода Журбаева сўзга чиқиб, кўргазманинг қурилиш ва коммунал соҳа сегментидаги аҳамияти ҳақида сўз юритди. Ўз навбатида, тадбир ташкилотчилари томонидан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигига расмий ҳамкорлик учун алоҳида миннатдорлик билдирилди. Таъкидлаш жоизки, ушбу кўргазма саноат, қурилиш ва коммунал соҳасининг янги маҳсулотлари билан танишиш, етакчи ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчилар билан мулоқот қилиш, бизнес ҳамда ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, фойдали келишувлар тузиш, шунингдек, соҳа ускуналарининг сўнгги тенденциялари ва трендларидан хабардор бўлиш учун ноёб имкониятни тақдим этиши билан аҳамиятлидир.

Асосий мижозларимиз Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа МДҲ мамлакатларидан, – деди “Royal” компанияси Савдо бўлими менежери Жаҳонгир Ибрагимов. – Маҳсулотларни кўпчилиги ҳамкорларимиз “Royal”



бренди остида чиқартиради. Лекин тақлифга қараб бошқа компаниялар номидан ҳам чиқариб берамиз. Қирғизистон ва Қозоғистонда оморларимиз, шунингдек, Тожикистонда заводимиз ҳам бор. Айна пайтда бўлиб ўтаётган кўргазмада бизга Россиядан кўпроқ мижозлар келишмоқда. Аввалги кўргазмаларни ҳам инobatта олиб айтадиган бўлсак, бу каби маҳсулотларга йилдан йилга талаб ортиб бормоқда. Қайд этилишича, нуфузли кўргазма сув

таъминоти, иситиш, совутиш соҳасидаги энг муҳим инновацион маҳсулотлар ва ечимларни тақдим этиш имконини беради. Бу йилги кўргазмада маҳаллий ва хорижий 150 дан ортиқ экспонентлар ўз маҳсулотлари билан катнашмоқда. Мен “DEMIR DOKUM” фирмасида 5 йилдан буюн фаолият юритиб келмоқдаман, – деди фирманинг экспорт бўйича мутахассиси Мурат Мустафа Каракоч. – Фирмамиз фаолият бошлаганига 71 йил бўлди. Корхонамиз

ишлаб чиқарадиган иситиш мосламаларини 54 та мамлакатга экспорт қилади. Буларнинг орасида Осиё, Европа ва Америка давлатлари бор. Ҳозирги кунда бизнинг Ўзбекистонда ҳамкоримиз бор. Ушбу кўргазмада қатнашишдан кўзлаган мақсадимиз маҳсулотларимизга бўлган талабни янада ошириш ва кўпроқ мижозлар тўплашдир. Кўргазма давомида маҳсулотларимизга қизиқиш билдирганлар кўп бўлди. Хусусан, Қозоғистон ва Россиядан бир қанча тақлифлар ҳам тушди.

ЖИЗЗАХДА “ЯНГИ ЎЗБЕКISTON” МАССИВИ БАРПО ЭТИЛМОҚДА

1-бет

– “Янги Ўзбекистон” массивида бўй ростлаган 16 қаватли бинолардан бирининг зилзилага бардошлилиги мамлакатимиз пойтахтида фаолият юритаётган Турин политехника институти Тошкент филиали малакали мутахассислари томонидан махсус сунъий зилзила қила оладиган вибродинамик ускунаси билан синая кўрилди, – дейди Жиззах вилоят Худудий қурилиш назорат инспекцияси инспектори Акбар Абдуразақов. УЗА муҳбири А. Қаюмов билан суҳбатда. – Ушбу синонга бино 100 фойз бардош берди. Фуқароларимиз “Янги Ўзбекистон” массивида қуриляётган уйларнинг энг баланд 16-қаватида ҳам ҳеч қандай хавотирсиз бемалол яшаши мумкин. Бунга кафолат берамиз.



Шу бугунги кунда массивда юздан ортиқ турли қурилиш техникаси, мингдан ортиқ республикамизнинг турли вилоятларидан келган ва маҳаллий курувчи-муҳандислар ғайрат билан меҳнат қилмоқда. 1 та 16 қаватли уй фойдаланишга топширишга тайёр қилиб кўйилган бўлса, 3 та 16 қаватли, 17 та 9 қаватли уй-жой ҳам қад кўтармоқда. – Айни пайтда “Янги Ўзбекистон” массивидаги бунёдкорлик ишларида республикамизнинг турли ҳудудларидан келган 24 та қурилиш компанияси ва масъулияти чекланган жамияти курувчилари астойдил меҳнат қилапти, – дейди Жиззах вилояти ҳокимининг қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари Ҳамид Ҳасанов. – Режага кўра, массивда жами 105 та уй-жой қурилиши белгиланган. 2026 йилга бориб бу массивда 4 минг 500 та оила истиқомат қилади. Барпо қилинаётган ҳар бир иншоотда электр энергияси, табиий газ, оқова сув ва тоза ичимлик суви ҳамда канализация тармоқлари каби коммунал хизматлар билан боғлиқ масалалар тўлиқ ҳал этилган. Бундан ташқари, массивдаги 100 гектар майдонда хитойлик инвесторларнинг тақлиф ва лойиҳалари асосида

инновацион технопарк ва бошқа ишлаб чиқариш объектиларини қуриш ишлари аллақачон бошлаб юборилган. – “Янги Ўзбекистон” массивида турар жойлардан ташқари, 1680 ўринли мактаб, 300 ўринли давлат мактабгача таълим ташкилоти, оилавий поликлиника, 2 та сунъий қопламали мини футбол стадиони, ёпиқ спорт комплекси, сузиш бассейни, тест маркази, болалар ва ёшлар учун аква-парк, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, гипермаркет, мехмонхона, экобозор, автотурагоҳ, автошоҳбەкат, АЕҚШ ва электромобиллар учун қувватлантириш шохобчаси, каби 30 та объект барпо этилади, – дейди вилоят қурилиш ва уй-жой коммунал бошқармаси бошлиғи ўринбосари Бобур Маматов. – 50 гектарлик “Янги Ўзбекистон боғи” ҳам келажакда ҳудуд аҳолиси ва меҳмонлари учун маданий ҳордиқ масканига айланади. – “Янги Ўзбекистон” массивида барпо этилаётган уйларни иситиш мақсадида қиймати 50 миллиард сўмлик кўмир билан иситиладиган гигант қозонхона ўрнатилмоқда, – дейди “Файз коммунал қурилиш” МЧЖ бошлиғи ўринбосари Зокир Мамарасулов. – Ушбу қу-

рилма Туркиянинг “MIMSAN GRUP” компанияси энерго-тежамкор технологияси асосида яратилган. Бу улкан қозонхона юқорида айтганидек, кўмир ёқилғисидан ишлайдиган, ҳозирча Ўзбекистонда ягона қурилмадир. Қуз-қуш мавсумида ушбу марказлашган қозонхонада ойига 50 минг тонна кўмир сарфланади. Энг асосийси, янги инновацион технология усулида ишлайдиган қозонхонада кўмир учта босқичда филтрдан ўтади. Бу эса кўмир маҳсулотини тежаб, ортиқча сарф-харажатларга йўл қўймайди, ҳавони ифлослантириш даражаси ўта паст бўлади. Яна бир эътиборли жиҳати, массивда қуриляётган ҳар бир иншоот томига қуёш фотозлектр станциялари ва қуёш сув иситиш қурилмалари ҳам ўрнатилмоқда. Бу қуёш панеллари кундалик режим тизимида ишлаб, суви меъёр даражасида иситиб беради. Қуёш фотозлектр станциялари эса электр энергиясини иқтисод қилиш мақсадида ўрнатилмоқда. Жиззах вилояти Шароф Рашидов туманидаги “Оқтош ота” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида барпо этилаётган “Янги Ўзбекистон” массиви вилоят жамолига янада кўрк бағишлашига шубҳа йўқ.

Назорат тадбирлари мунтазам олиб борилмоқда

Элдор ИСААКОВ, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси.

Бугунги кунда қурилиш соҳасида кўплаб қарор ва фармонлар, қоида ва талаблар жорий этилмоқда. Қолаверса, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларнинг янгиланаётгани натижасида иншоотлар қурилишида сифат ва мукамаллик биринчи даражага кўтарилди. Республикамиз барча ҳудудларида барпо этилаётган уй-жойлар, ижтимоий соҳа объектлари ва бошқа турдаги барча қурилиш ишларининг меъёрий талаблар асосида олиб борилиши ҳам доимий эътиборда. Бу борада ҳудудий назорат инспекциялари томонидан ҳам жойларда қатор тадбирлар олиб борилмоқда.



Яқинда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясида 2023 йилнинг 9 ойи довомида амалга оширилган ишлар юзасидан навбатдаги йиғилишда ана шундай масалалар муҳокама қилинди. Республика Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғи Қозим Тўлағанов ўтган йил довомида соҳада амалга оширилган ишлар ва йўл қўйилган камчиликлар ҳақида маълумот берди. Сўнгра, аниқланган ноқонуний қурилишлар, рўйхатга олинмаган объектлар ҳақида ҳар бир ҳудудий назорат инспекцияси раҳбарининг ҳисоботи тингланди.

Ташкилотлари) мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий ҳужжатлар тўплами тайёрланиб, тегишлилиги бўйича маъмурий чоралар қўрилди. 1257 та объектда қурилиш-монтаж ишлари тўхтатилиб, шундан 395 тасида буздирини ишлари олиб борилди. Бу каби чора-тадбирларни амалга оширишда соҳада “Қурилиш назорати” ахборот тизими жорий қилиниб, мониторинг жараёнларининг рақамлаштирилгани ҳам яхши самара бераётганини таъкидлаш лозим. Бу тизим орқали қурилишда сифат назорати янги босқичга чиқди, бюрократик тўсиқлар бартараф этилди. Ушбу тизим орқали 2022 йилда 30 мингдан ортиқ объект назоратга олинган.

Хусусан, жорий йилнинг 5 октябр ҳолатига кўра, ҳудудий назорат инспекциялари томонидан жами 32 146 таси рўйхатдан ўтган. Мазкур объектларда жами 55 321 мартаба назорат ишлари амалга оширилган. Ҳудудий инспекциялар томонидан 51 912 та ёзма кўрсатмалар берилиб, 35 992 таси бартараф этилган. Шунингдек, янги тартиб асосида бюртмачилар томонидан 8 510 та (шундан, 889 та лойиҳа ва 7621 та пудратчи ташкилотларига) ёзма кўрсатмалар берилди. 6 337 та ёзма кўрсатма (шундан, 618 та лойиҳа ва 5719 та пудратчи ташкилотларига) бартараф этилган. Лойиҳачилар томонидан объектлар қурилишида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича эса 4 935 та пудратчи ташкилотга ёзма кўрсатма берилган бўлиб, 4 343 таси бартараф этилган. “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги Кодекснинг 99-моддаси бўйича жами 4 918 та (шундан, 1 215 та пудратчи, 3 105 та бюртмачи ва 598 та лойиҳа

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда жойлардаги ҳудудий назорат инспекциялари томонидан қурилиш объектиларининг конструктив ечимлари, техника хавфсизлиги, ШНҚ ва ҚМН талаблари, қурилиш жараёнларининг лойиҳа ҳужжатлари асосида олиб борилиши юзасидан, шунингдек, ноқонуний қурилмаларни аниқлашга қаратилган назорат тадбирлари мунтазам равишда олиб борилмоқда. Жараёнда аниқланган қоидабузарлик ҳолатлари бўйича бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар берилиб, уларнинг ижросини таъминлашда суўсташликка йўл қўяётган бюртмачи, пудратчи ёки лойиҳа ташкилотлари вакилларига тегишли чоралар қўрилмоқда. Буларнинг бари юртимизда сифат жиҳатдан юқори, замонавий ва кўркам бино-иншоотлар қад ростлаши учун хизмат қилиши шубҳасиз.

Коммунал соҳа журналистлар нигоҳида

Ҳилола ИСМАТОВА, “O‘zbekiston bunyodkori” муҳбири.

Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси ҳамда вилоят Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси ҳамкорлигида “Навоий вилоятидаги иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартиралар турар-жой фондини 2023/2024 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш чора-тадбирлари” мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди. Унда коммунал соҳа мутахассислари, БСК раҳбарлари, “Навоий Худудгаз” МЧЖ, электр тармоқлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.



Қиш мавсуми ҳар йили коммунал соҳа қаршисига жиддий саволлар қўяди. Пухта тайёргарлик, масъулият ва ечим бор жойдагина мавсумни беталафот қарши олиш мумкин. Анжуманда ана шу жиҳатларга эътибор қаратилиб, куз-қиш мавсумига тайёргарлик юзасидан бугунга қадар олиб борилган ишлар таҳлил этилди. Вилоятдаги иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартиралар турар-жойларни 2023/24 йиллар куз-қиш мавсуми даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича қуриляётган чора-тадбирларнинг бугунги кундаги аҳоли бўйича Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари ҳамда вилоят “Иссиқлик манбаи” ДУК директорининг маърузалари тингланди. Матбуот анжуманида кўп қаватли уй-жой фондини мавсумга тайёрлаш учун турли манбалар ҳамда бошқарув сервис компаниялари маблағлари ҳисобидан 364 та кўп қаватли уйни таъмирлаш режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда уларнинг 185 тасида ишлар ниҳоясига етказилгани таъкидланди. Шунингдек, ижтимоий соҳа объектлари – тиббиёт муассасаларининг режадаги 6 тасидан (2 таси мукамал, 3 таси жорий) биттасидагина таъмирлаш ишлари тугаллангани айтиб ўтилди. Тадбирда мавсумга тайёргарлик жараёнида вилоят бўйича қанча суўлтирилган газ, кўмир захираларини яратиш, ижтимоий ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳалари ҳамда иқтисодиёт тармоқларида қайта тикланувчи

энергия манбаларини кенг жорий этиш борасидаги ишлар юзасидан ҳам маълумот берилди. Уз навбатида, журналистлар ҳам кундалик ҳаётда кўп қузатаётган масалалар юзасидан саволлар билан муножир қилишди. Хусусан, лифтларнинг таъмирланиш жараёнлари қандай кечаётгани, иссиқ сув таъминотидаги босим ва меъёрлар, коммунал тўловларнинг нархи, чиқиндиларнинг ўз вақтида ташилиши ва бошқа кўплаб саволлар юзасидан мутахассислар жавоби тингланди. Қолаверса, тадбирда мутасаддилар томонидан кўп қаватли уйлар ёнидаги канализация тармоқларига тагликлар ташлаш, лифтларнинг сенсорли бошқарувини синдириш, маиший чиқиндиларни балкондан улоқтириш, қишлоқ жойларда “Обод қишлоқ” дастури доирасида ўрнатилган стелларлардаги қишлоқ номи ёзувини синдириб, ичидаги лед лампаларни олиш каби ҳолатлар кўп учраётгани айтилди. – Бу вазият – фуқароларда коммунал истеъмолчи маданияти етишмаслигининг оқибатидир, – деди вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Нуриддин Жуманиёзов. – Бу каби салбий ҳолатларнинг юзага келмаслиги учун соҳа мутахассислари ва журналистлар ҳамда кенг жамоатчилик ҳамкорлиги зарур. Демак, аҳолида жамоат мулкидан тўғри фойдаланиш ва уни асраш кўникмаларини шакллантириш бўйича тадбирларни кўпроқ ташкил қилишимиз керак.

600 ўринли талабалар турар жойи ва ўқув биноси қурилмоқда

Зиё СИРОЖ, “O‘zbekiston bunyodkori” муҳбири.

Айни пайтда республикамизнинг барча ҳудудларида, жумладан, Андижон вилоятида ҳам аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ишлари давом этмоқда.



Жумладан, Избоскан туманидаги “Қумқўча” МЙИда 10 минг 600 метр масофага янги сув қувурини тортиш ишлари якунланди. Шунингдек, “Файз бинокор” МЧЖ томонидан ушбу манзилда янги сув қудуғини ишга тушириш ишлари олиб бориляпти. – Ҳозирда маҳалланинг учта кўчасида ичимлик суви билан боғлиқ бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. Лойиҳа фойдаланишга топширилган, 3,5 минг нафар аҳолининг сўнгги 10 йилда юзага келган кўлбола сув чиқариш мосламасидан фойдаланди. Бироқ

бу тоза ичимлик суви ўрнини босмайди-да... Шу боис, кўп қиёинчиликларни кўрдиқ. Шукрким, бугун маҳаллаида қувур тортиш ишлари олиб борилиб, муаммолар томонидан ушбу манзилда янги сув қудуғини ишга тушириш ишлари олиб бориляпти. – Ҳозирда маҳалланинг учта кўчасида ичимлик суви билан боғлиқ бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. Лойиҳа фойдаланишга топширилган, 3,5 минг нафар аҳолининг сўнгги 10 йилда юзага келган кўлбола сув чиқариш мосламасидан фойдаланди. Бироқ

Интеллектуал транспорт тизими жорий қилинади

2025 йилда А-373 “Тошкент–Ўш” автомобиль йўлининг Қамчиқ довоидан ўтган 100 километр қисмида пилот тариқасида интеллектуал транспорт тизими жорий қилинади. Бу ҳақда АОКАда ўтказилган брифингда Автомобиль йўллари қўмитаси ахборот хизмати раҳбари Нилуфар Жумаева маълум қилди.

Ўтган 2017-2022 йиллар давомида мазкур халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан 875 млн АҚШ долларининг 8 та лойиҳа амалга оширилди ҳамда 465 километр узунликдаги магистраль йўллар яъни, 325 километри цемент-бетон ва 140 километри асфальт-бетон йўллар қуриб фойдаланишга топширилди. Бугунги кунда халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобига 5 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Келгуси йилда 45 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Жорий йилда 175 млн АҚШ доллари миқдорда маблағлар ўзлаштирилиши таъминланади. Бунинг натижасида Бухоро вилоятида халқаро аҳамиятга молик 87 км узунликдаги 4 тасмали цемент-бетон қопла-

мали автомобиль йўли реконструкция қилиниб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 110 километр маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўллари капитал таъмирланади. Бундан ташқари, давлат-хусусий шерикчилик асосида 2 та мега лойиҳани амалга ошириш белгиланган. Булар, Тошкент–Андижон ва Тошкент–Самарқанд пуллик автомобиль йўллари ҳисобланади. Автомобиль йўлларида интеллектуал транспорт тизими (ITS) автомобилларнинг ҳаракат вақтида вазнини ўлчаш тизими (WIM) ҳамда 2025 йилда А-373 “Тошкент–Ўш” автомобиль йўлининг Қамчиқ довоидан ўтган 100 км қисмида пилот тариқасида интеллектуал транспорт тизими жорий қилинади. **Уз муҳбириниз.**

ЧИРЧИҚЛИКЛАР ҚИШ МАВСУМИНИ БЕКАМУ КЎСТ ЎТКАЗИШАДИ

Наргиза МИРЁҚУБОВА, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Чирчиқ инновацион, инвестицион шаҳарга айланиб бормоқда. Шаҳарни комплекс ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурларга мувофиқ, янги турар joyлар қурилиб, аҳолига қўлайлик яратиш мақсадида инфратузилма яхшиланяпти. Коммунал хизмат кўрсатиш сифатини ошириш чоралари қўрилмоқда.

Ўтган йиллар давомида шаҳардаги асосий муаммолардан бири истеъмолчиларни иссиқлик ва иссиқ сув билан таъминлаш юзасидан бўлган. Сабаби шаҳардаги 920 тага яқин кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи 14 та қозонхонанинг деярли барчаси эскирган, муддатини ўтаб бўлган эди. Ўтган асрнинг 60-70 йилларида қурилган қозонхоналарнинг аксарияти очиқ усулда ишлаган, иссиқлик ортга қайтмаган, харажатларни оширган.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 20 майдаги "Тошкент вилоятида тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида ана шу масаланинг ечимни топилиди. 4 та марказий қозонхоналарни реконструкция қилиш ва 4 та маҳаллий қозонхоналар қуриш ишлари белгиланди. Қарор ижроси доирасида шаҳарда истеъмолчиларни барқарор иссиқлик қуввати ва иссиқ сув билан таъминлаш бўйича бошланган амалий ишлар яқиний босқичга чиқди.

– Сўнги 10-15 йил ичида кичик туманимизда қишиник келишини хавотир билан кутар эдик, – деди меҳнат фахрийси Аслиддин Муҳиддинов. – Ёш болалар, қариялар бор. Ўзим ҳам 70 дан ошиб, 80 ёшга қараб кетяман. Иложсизликдан кичик ошхонада газ плитасини ёқиб, кечаси билан ўчиб қолмасин, деб хавотир олиб чиқардик. Газнинг иссиқлиги янада ҳам узокроқ сақлансин деган мақсадда темирларни қўйиб қўярдик. Хоналаримиз совуқ буларди. Газхонадаги иссиқлик билан хоналарни иситиб бўлармикан? Бугунги кунга келиб қарангки, бир неча йиллик озуларимиз ушалди. Кичик туманларимизга, умуман Чирчиқ шаҳрига иссиқлик таъминоти тармоқлари тортилиб, ҳозирги кунда хонадонларимизда иссиқ сув нунтаз равишда бериб туриладиган бўлди. Уларимиз хусусийлаштирилган бўлишига қарамаддан, кўп қаватли уйларнинг ҳар бир хонадонига иссиқлик тармоғини етказиб бериш учун қиймати 21 минг АҚШ доллари миқдорда иссиқлик айлантргич мосламалари ўрнатилмоқда. Чирчиқ шаҳри мисолида олиб қарайдиган бўлсак, бу қандай катта маблағни ташкил этади. Иссиқлик монтажи ишларини, қувурлар-

ни ҳар бир уйга киритиб беришни давлатимиз ўз зиммасига олган. Бундай шароитларни қайси бир давлат қилиб беради? Демак, халқуочун қайғурайдиган Президентимиз бошчилигида олиб борилаётган бу ишларга қанчалар тахсинлар айтсанг, шунча оз.

Ўтган йили "Чирчиқ иссиқлик энергия ишлаб чиқариш" қорхонаси УК тасарруфидаги "Юбилейний" қозонхонаси 1-босқич қурилиш ишлари ва 2 километр янги иссиқлик тармоғининг қурилиш ишлари аяқланди. 175 та, жами 10 минг 38 хонадонли кўп қаватли уй-joyлар иссиқлик билан таъминланди. Бу йил қорхона тасарруфидаги 4 та қозонхонада 9 та қозонларни капитал таъмирлаш ҳамда 16,9 километр иссиқлик қувурларини реконструкция қилиш, 4 та локал қозонхона ва 6,1 километр иссиқлик қувурларини қуриш ишлари олиб борилмоқда. Бунинг натижасида 275 та, яъни 11 минг 698 хонадонли кўп қаватли уй-joyлар барқарор иссиқлик билан таъминланади. Шаҳарнинг "Умид" МФЙ йиғини ҳудудида жойлашган "Оққовоқ" қозонхонаси модернизация қилинди. 2 та янги қозон ўрнатилди. Айни кунларда маҳалла ҳудудида эскирган қувурларни янгилаш ишлари жадал давом эттириляпти. Энергия йўқотишларини олдини олиш мақсадида иссиқ сув ўтказувчи янги қувурларнинг усти ўралапти. Тизимни модернизация қилиш ишлари яқинида етказилса, маҳалладаги 17 та кўп қаватли уйлардаги 520 та хонадон ҳамда 2 та ижтимоий соҳа объектининг иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти барқарорлашади.

– "Оққовоқ" қозонхонамизда ҳозирги кунда 3 километр иссиқлик қувури алмаштирилди, 2 та янги қозон келтириб ўрнатилди, – деди "Чирчиқ иссиқлик энергияси" қорхонаси бўлим бошлиғи Дониёр Исроилов. – Чирчиқ шаҳрида ишлаб чиқарилган қозонларнинг аввалгиларидан фарқи жиҳати шундаки, улар электр энергия сарфини, табиий газни тежайди. 17 та кўп қаватли уйлар бўлса, 100 фоз таъминлайди. Аҳоли ҳам бу ислохотларни сезиб, тўловларни ўз вақтида амалга оширмоқда.

Вилоят перенатал марказидаги туғруқхона ҳудудидаги қозонхонанинг эскирилган ускуналарни жисмоний муддатини ўтаб

бўлгани таъминот сифатига салбий таъсир кўрсатаётган эди. Давлат доирасида мазкур объектда ҳам 3 минг мегаватт қувватга эга қозон қўйилди. Бунинг натижасида 2 та ижтимоий соҳа объекти ҳам 320 та хонадонга хизмат кўрсатувчи қозонхонанинг қуввати икки баробар ошиб, ресурслар сарфи камайди.

– Марказимизда 4 та асосий ва 2 та қўшимча корпусларимиз мавжуд, – деди вилоят перенатал маркази директори ўринбосари Лола Рўзметова. – Қиш мавсумига тайёргарлик июль ойидан бошланиб, биринчи навбатда иссиқлик тизими қувурлари тегирилди. Июнь ойи бошларида иссиқлик қувурларида ювтиш ишлари амалга оширилиб, 150 метр янгитдан изоляция қилинди. Фавқулодда ҳолат юзага келганда захира ишлари ҳам амалга оширилди. Ҳозирги кунга иссиқлик тизими борида умуман муаммо бўлмаса-да, қозонхонадаги жиҳозлар, ускуналар 1976 йилда ўрнатилган боис хавотирда эдик. Буларнинг энергия сарфи жуда катта бўлгани сабабли ҳам бу йил ҳаммаси янгилашиб, янги қозонлар ўрнатилди. Эндиликда биз марказимизда бемалол қиш мавсумини бетафот ўтказамиз, деган умиддаман.

Ийрик лойиҳалардан бири – шаҳарнинг 8-кичик туманида амалга оширилмоқда. Жами 108 та кўп қаватли уй, 3 та ижтимоий соҳа объектига хизмат кўрсатувчи қозонхона модернизация ва реконструкция қилинмоқда. Бу ердаги мавжуд эскирган қозонлар тўлиқ олиб ташланди. Янги, замонавий қозонлар ўрнатилмоқда. 7,1 километр ер усти ҳамда ер остидан ўтган иссиқлик қувурлари олиниб, тўлиқ ери остига монтаж қилинмоқда. Мазкур мақсадлар учун давлат бюджетидан 64,3 миллион сўм маблағ йўналтирилган бўлиб, зарур эҳтиёт қисмлар захираси яратилган. Ҳозирда юқори қувватли қозонларнинг 2 таси ўрнатилган бўлиб, яна битта қозоннинг ўрни ҳозирланяпти.

– Бу қорхона 1974 йилда қурилган бўлиб, қозонхонада иккита Д кв 25 Мегаваттли ва 1 та ДЕ 20 мегаваттли қозонхона ўрнатилгони эди, – деди "Чирчиқ иссиқлик энергияси" қорхонаси директори Мирсоли Мирпўлатов. – Қозонхоналар маънан эскирган бўлиб, очиқ тизимга ўтиб кетган



эди. Ҳозирги кунда Россия Федерациясидан 19 мегаваттли 1 та 25 мегаваттли қозонхона олиб келиб ўрнатилди. Ҳозирги кунда иссиқлик қувурларини алмаштириш бўйича 6 километр ҳар хил диаметрдаги иссиқлик қувурлари келтирилиб, монтаж ишлари амалга оширилмоқда.

Сўнги йилларда шаҳардаги "Рудакий" қозонхонасининг ҳам иш қуввати пасайиб, 65 та кўп қаватли уйларнинг атиги 10 дан орттигига иссиқлик бериларди халос. Мавжуд қозонлар, қувурлар эскирган, чириган, тешилган, жисмоний муддатини ўтаб бўлгани боис харажатлари юқори эди. Бу йил мазкур қозонхонани модернизация қилишга 29,5 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Туркия Республикасидан ҳар бирининг қуввати 14 мегаватт ташкил қилувчи иккита замонавий энергия тежамкор қозон келтирилди.

"Рудакий" қозонхонаси 1964 йилда қурилган бўлиб, 2004 йили Чирчиқ шаҳридаги "Электрхимпром" заводидан иссиқлик манбаи қорхонасига топширилган. Бу қозонхона 65 та кўп қаватли уйлар, 5 та ижтимоий соҳа объектига таъминлаб келган. Кўп қаватли уйларда тизим носозлиги туфайли очиқ тизимга айланиб

қолганди. Энергия ресурслар харажати баробарига, ундан кўпроқ икки юз баробарига ошиб кетган. Дастурга киритилгандан кейин ҳозирги кунда Туркиядан қозон олиб келиб, ўрнатиш ишлари амалга оширилмоқда. Қувурларнинг изоляциялари бўлмаган, авваллари очиқ бўлган. Ҳозирги кунда 14 километрдан зиёд иссиқлик қувурларини янғисига алмаштириш ишлари олиб борилмоқда. Қозонхонада боллер тизимлари ҳам янгилашмоқда. Барча ишлар аяқлангандан кейин энергия ресурслар 50-60 фозга тежалди.

Шаҳардаги Мирза Ғолиб ва Нур маҳаллаларидаги 68 та кўп қаватли уйлар учун автоном қозонхона қурилиб, 3,1 километр иссиқлик тармоқлари тортилмоқда. Бундан ташқари, Шарқ, Бахт, Ғалаба маҳаллаларидаги 34 та кўп қаватли уйларда иссиқлик таъминотини тиклаш мақсадида 3 та автоном қозонхона қурилди.

Шаҳардаги кўплаб ижтимоий соҳа объекти марказлашган иссиқлик тизимига уланган бўлиб, бу йил улардаги таъминот тизими тубдан яхшиланиши кутиляпти. Муқобил қозонларга эга бўлган умумтаълим мактабларининг иситиш тизимлари бюджет маблағлари ҳисобидан таъмир-

ланяпти. Хусусан, 14-сонли умумтаълим мактабининг ҳудудига кўмир ва табиий газда ишловчи янги қозон қўйилиб, уларни сақлаш учун омборхона қурилди.

– Мактабимизда 25 та синф хоналари бўлиб, 1 минг 300 нафар ўқувчилар таълим олади, – деди мактаб директори Улпаш Серенова. – Ўтган йили мактабимизда иситиш тизимида анча муаммолар бўлган. Шу сабабли мактабимизга янги замонавий қозонхона қуриб берилди.

Эътиборли жиҳати шундаки, аҳолига қўлайлик яратиш, тизимни қайта тиклаш, иш самардорлигини ошириш мақсадида қозонхонадан кўп қаватли уйларнинг хонадонига бўлган масофадаги қувурлар тўлиқ янгилашмоқда. Бу мақсадлар учун умумий қиймати 157 млрд сўм маблағ ажратилган. Мазкур объектлар учун ўтказилган тендер танловларида маҳаллий ва хорижий пудрат ташкилотлари ғолибликни кўлга киритган бўлиб, бажарилаётган ишларнинг сифати жамоатчилик назоратига олинган. Режага мувофиқ, дастурий вазифаларнинг асосий қисми мазкур ойда аяқланиши кутилмоқда. Демакки, бу йил чирчиқликлар тўлиқ иссиқ сув ва иссиқлик таъминотига эга бўлишади.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари борасида эришилган ютуқлар

Насиба АРИПОВА, Нигора АЛИМОВА, ТАҚУ ўқитувчилари.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ислохотларни "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун" тамойилига асосланган ҳолда олиб бормоқда. Шунинг учун мамлакат инсон ҳуқуқларини лозим даражада ҳимоя қилишни устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб олди.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлардаги кейинги жиддий ютуқ, бу кўпчиллини уйлантирган, қийнаб келган "прописка" тизимини тубдан ўзгартириш бўлди. Жамият узок йиллар давомида бу тизимга нисбатан фуқароларнинг эркин ҳаракатланишига тўсиқ, дея қараб келган эди. Хусусан, Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёев эски "прописка" тизимини фуқароларнинг оёқларига урилган кишан, деб таъриф берди ва уни тубдан ўзгартириш чораларини кўрди. Ушбу чора-тадбирлар, шунингдек, фуқароларнинг мулкий ҳуқуқларига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Зеро, мамлакатнинг бошқа ҳудудларида истиқомат қилган фуқаролар Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда бўлмаганликлари учун узок йиллар давомида пойтахтдан ўз номларига уй сотиб олиш имкониятидан маҳрум эдилар. Қўллаб-қувватловчи фуқароларнинг қўлига қўйилди, мамлакат ҳорижий журналистлар учун аккредитацияни очди маҳаллий журналистлар –

ўтказиб, сўнгра ўзлари ўз уйларида ижарачи каби яшашга мажбур эдилар.

Амалга оширилган ислохотлар натижасида, уй-joy сотиб олишда прописка талаби бекор қилингандан сўнг, ўзбекистонликлар Тошкент шаҳрида қарийб 13 мингга хонадонни сотиб олдилар. Улардан 70 фозини вилоятлик фуқаролар ташкил қилди. Ҳуқумат, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахслар сонини камайитириш учун қатъий чора-тадбирларни қабул қилди. Фақат ўтган йилнинг ўзида 50 минг нафар юртдошимиз Ўзбекистон фуқаролигига эга бўлди, бу йил эса 20 мингдан зиёд шахс фуқароликка эга бўлиш имкониятини кўлга киритди.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда сўз эркинлиги ва ОАВ янги Ўзбекистоннинг ташриф қозғоши бўлди. Илгари мамлакатда тақиқда бўлган хорижий ахборот ресурслари сайтларининг фаолияти қайтадан йўлга қўйилди, мамлакат ҳорижий журналистлар учун аккредитацияни очди маҳаллий журналистлар –

блогерлар мамлакатнинг ҳақиқий янги қиёфасига айланди. Журналистлар илгари гапириш мумкин бўлмаган мазкурларни очикдан-очик ёрита бошладилар, босма нашрларда тез-тез танқидий ва таҳлилий материаллар чоп этилмоқда. Президент ўз нутқида бир неча бор оммавий ахборот воситалари вакилларини қўллаб-қувватлашни бот-бот таъкидлаб, уларни оғриқли, долзарб масалаларни ёритишга чақирди.

Шунингдек, Ўзбекистонда қонунчилик ва давлат сиёсати даражасида аёллар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш механизми яратилди. "Аёллар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқлар ва имкониятларнинг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун ҳокимиятининг вакиллик органларига сайланган аёллар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқларнинг таъминланишини ва сиёсий партиялардан депутатликка номзодларни курсатиш имкониятини кафолатлайди. Президентимиз таъкидлаганидек, "ижтимоий муаммоларни аниқлаш ва ўз вақтида ҳал қилиш, бошқарув самардорлигини оширишда аёлларнинг роли катта". Масалан, 2019 йилдаги парламент сайловларида гендер квотаси қўлланилди: аёл депутатлар сайланган депутатлар умумий сонининг 32 фозини ва Сенат аъзоларининг 25 фозини ташкил этди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ислохотлар тизимли, комплекс даражада

амалга оширилмоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегия 2020 йил 22 июнида қабул қилиниб, инсоннинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини таъминлаш бўйича узок муддатли мақсадли чора-тадбирлар мажмуини белгилаб берган Ўзбекистон тарихидаги илк стратегик ҳужжат бўлди. Шубҳасиз, эришилган натижалар халқаро даражада муносиб баҳоланмоқда. 2020 йил 13 октябрда Ўзбекистон тарихида биринчи марта БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашига аъзо бўлиб, уч йиллик муддатга – 2021-2023 йилларга сайланди. Ушбу сайловларда Ўзбекистон энг кўп овоз олди – БМТга аъзо 193 давлатдан 169 таси мамлакатга овоз берди.

Шу билан бирга, инсон ҳуқуқларини таъминлаш статик эмас, балки доимий таъминлаштириш ва тўла фидойилликни талаб қиладиган динамик жараёндир. Ушбу мантиққа асосланиб, келяжанда олдимизда бир қатор вазифалар турибди. Уларнинг ечими мамлакатда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришга ёрдам беради. Юқорида айтиб ўтилган фикрларни умумлаштириб, шуни айтиш мумкинки, санаб ўтилган фактлар инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича халқаро ислохотлар йўлидаги муҳим босқичлардан ва халқаро ҳамжамият томонидан ушбу соҳада олиб борилаётган сиёсатнинг тан олинишидан далолат беради.

МЕБЁРИЙ ҲУЖЖАТ: ШНҚ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

ШНҚ 2.08.07-22 "НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН БОЛАЛАР УЧУН ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БИНОЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ" ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 апрелдаги ПҚ-209-сон "Ўзи оқиб ва заиф кўрувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда таълим бериш сифатини ошириш ҳамда улар фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ **буоранам:**

1. ШНҚ 2.08.07-22 "Ногиронлиги бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари биноларини лойиҳалаш" шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раисининг 2009 йил 25 мартдаги 37-сон "ШНҚ 2.08.07-09 "Имконияти чеklangан болалар ва ўсимирлар учун махсус ўқув-тарбия муассасалари" шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруғи ўз кучини йўқотган деб топилсин.
3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мактабча таълим вазирлиги ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати билан келишилган.
4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Қуриш вазири
Тошкент ш.
2022 йил 24 август,
148-сон

Б. ЗАКИРОВ

Илова газетанинг 4-5-саҳифаларида.

4 | Меъёрий ҳужжат: ШНҚ

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI STROITELЬ UZBEKISTANA №87 (740) 2023 йил 10 октябрь

Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирининг 2022 йил 24 августдаги 148-сон буйруғига ИЛОВА

ШНҚ 2.08.07-22 “НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН БОЛАЛАР УЧУН ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БИНОЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ” ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

Мазкур шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (бундан буён матнда ШНҚ деб юритилади) ноғиронлиги бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар), шунингдек кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим таш-килоти (бундан буён матнда ихтисослаштирилган таълим муассасалари деб юритилади) би-ноларини лойиҳалаш тартибини белгилайди.

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ноғиронлиги бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг би-нолари ушбу ШНҚ билан бир вактда ҚМҚК 2.01.01, ҚМҚК 2.01.03, ҚМҚК 2.01.04, ШНҚ 2.07.02 ҳамда ШНҚ 2.08.02 талабларини ҳисобга олган ҳолда, лойиҳалаштириш топшириғига асосан лойиҳаланиши лозим.

2. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг бинолари қуйидагича ихтисосликлар бўйича лойиҳалаштирилади:

эшитиш ва нутқда нуқсонлари бўлган, соқов ва кар-соқов болалар учун; кўришда нуқсо-ни бўлган болалар учун;

таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони бўлган болалар (болалар церебрал фалажи, сколиоз, полиомиелит, миопатия, остеомиелит, ампутация, буй ўсишининг етишмовчилиги – пакана-лик) учун;

интеллектуал ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар учун.

3. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари бинолари икки қаватдан юқори бўлмаслиги, кўришда нуқсони бўлган ва ҳаракат функциялари бузилган болалар учун мўлжалланган хона-ларнинг 60–80% биринчи қаватда жойлаш-тирилиши керак.

Бунда, иккинчи қаватларда ўқитувчилар ва маъмурият учун хоналар кўзда тутилиши мум-кин.

4. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари бинолари уларнинг мақсад ва вазифалари-ни амалга оширишга мос келиши, шунингдек барча турдаги муҳандислик таъминотига (электр энергияси, газ, иссиқлик, сув ва алоқа таъминоти, канализация, автоматик сигнализация) эга бўлиши, ёнгин хавфсизлиги талабларига, санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига жа-воб бериши лозим.

2-БОБ. ТЕХНИК ЖИХАТДАН ТАРТИБГА СОЛИШ СОҲАСИДАГИ НОРМАТИВ ҲУҶЖАТЛАРГА ҲАВОЛАЛАР

5. Ушбу ШНҚда қуйидаги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат-ларга ҳаволалар келтирилган:

ҚМҚК 2.01.01-94 “Лойиҳалаш учун иқлимий ва физик-геологик маълумотлар”;

ШНҚ 2.01.02-04 “Бинолар ва иншоотларнинг ёнгин хавфсизлиги”;

ҚМҚК 2.01.03-2019 “Сейсмик ҳудудларда қурилиш”;

ҚМҚК 2.01.04-2018 “Қурилиш иссиқлик техникаси”;

ҚМҚК 2.01.05-2019 “Табiiий ва сунъий ёритиш”;

ҚМҚК 2.01.08-2019 “Шовқиндан ҳимоялаш”;

ҚМҚК 2.04.05-97 “Иситиш, шамоллатиш ва кондиционерлаш”;

ШНҚ 2.07.01-03 “Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривож-лантириш ва қурилишини режалаштириш”;

ШНҚ 2.07.02-07 “Инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти муҳитини ноғиронлар эҳтиёжлари ва аҳолининг камҳаракатланувчи гуруҳларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш”.

ШНҚ 2.08.02-09 “Жамоат бино ва иншоотлари”;

СанҚваН № 0313-14 “Жисмоний ва ақлий ривожланишда нуқсонлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатларни ташкил этиш, жиҳозлаш, сақлаш ва таълим бе-риш режмлари бўйича санитария қоидалари”;

СанҚваН № 0266-09 “Ноғиронлар ва аҳолининг болалар ва катта ёшдаги камҳаракат гуруҳлари фойдаланадиган турар жой ва жамоат биноларини, яшашга мўлжалланган бошқа жойларни лойиҳалаштириш ва қуришнинг санитария қоидалари ва нормалари”;

СанҚваН № 0020-22 “Даволаш-профилактика муассасаларини лойиҳалаштириш, қуриш ва эксплуатация қилишнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари”.

3-БОБ. ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ҲУДУДЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР 1-§. Умумий талаблар

6. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари аҳоли яшаш пунктларида, sanoат ва ком-мунал корхоналари, темир йўллар, серкитнов автомобиль йўлларидан, шунингдек ифлосла-ниш, радиомагнит ва нурланиш манбаларидан узоқликда, чанг-шанол ва шовқин таъсиридан ҳимояланган, санитария нормалари ва қоидалари ҳамда ШНҚ 2.07.01 талабларини ҳисобга олган ҳолда, алоҳида ер участкаларида (бошқа турдаги таълим ва тарбия ташкилотларидан ажратилган ҳолда) жойлаштирилади.

7. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари биноларини қўчаларнинг қизил чизигига нисбатан жойлаштирилиши ШНҚ 2.07.01 га мувофиқ амалга оширилади.

Болаларни тарбиялаш ва ўқитиш учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари бинола-ри яқинидаги шовқин даражаси 60 дВ дан ошмаслиги лозим.

Жамоат транспорти ва автомобил тўхташ жойларига етиб бориш масофасини 200 м атрофида таъминлаш тавсия этилади.

8. Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари ер участкалари-нинг майдонлари хар битта бола учун қуйидаги ўлчамларда кўзда тутилади:

эшитиш ва нутқда нуқсонлари бўлган болалар учун 45–50 м²;

кўришда нуқсони бўлган, шунингдек, ақли заиф болалар учун – 60 м²;

таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони бўлган болалар учун – 65 м².

9. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар) ер учас-таларининг майдонларини қуйидаги ўлчамларда кўзда тутилади:

сигими 200 ўрингача бўлганда, хар битта бола учун – 110–120 м²;

сигими 200 ўриндан кўп бўлганда, хар битта бола учун – 75–90 м².

10. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг ҳудудларини лойиҳалашда ШНҚ 2.07.01, ШНҚ 2.07.02, СанҚваН №0266-09 талабларни ҳисобга олиниши лозим.

11. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг бинолари, шунингдек биноларнинг асосий хоналари деразаларининг йўналиши (уфқ томонлари бўйича) 1-жадвалга мувофиқ кўзда тутилиши лозим. Яшаш хоналари учун мақбул йўналиш жанубий йўналиш ҳисобланади.

Хоналар	Деразалар йўналиши	
	мақбул	йўл қўйилади
Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотининг гуруҳ хоналари, машғулотлар учун синфлар, логопедия хонаси, ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг (мактаблар, мактаб-интернатлар) ушлаш хоналари	жануб, жануб-шарқ, шарқ	
Биология лабораторияси	жануб, жануб-шарқ, шарқ	жануб-ғарб
Шифокор хоналари (окулист, педиатор, психиатор), плеопто-ортоптик хона	шимол	шарқ, шимол-шарқ, шимол-ғарб
Расм чизиш, ҳайкалтарошлик билан шуғулланиш учун хоналар	шимол	
Овқатланиш блоки хоналари	шимол	
Тиббий муолажа хоналари, физиотерапия хоналари	шимол, шимол-шарқ	шарқ, шимол-ғарб
<i>Изоҳ:</i> <i>Жадвалда кўрсатилмаган хоналарнинг деразалари йўналишларига нисбатан талаблар белгиланмайди.</i>		

2-§. Ҳудудларини зоналаштириш

12. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар) ҳудудла-ри ундаги корпуслар (блоклар) ва ўқув-рекреацион иншоотлар ўртасидаги қулай алоқаларни ҳисобга олган ҳолда зоналаштирилади.

Ихтисослаштирилган таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар) ҳудудлари-да жисмоний тарбия–спорт, ўқув-амалиёт, рекреация (дам олиш) ва ҳўжалик зоналари кўзда тутилади.

Зоналар ва бинолар орасидаги ҳаракатланиш қулайлигига эришиш мақсадида қуйидаги ўзаро алоқалар таъминланиши лозим:

дам олиш, жисмоний тарбия, спорт ва реабилитация зоналарини – спорт заллари ва тиб-бий хоналар билан;

ўқув-амалиёт зонасини – катта синфлар ўқув хоналари блоки билан; рекреация ва дам олиш зоналарини – турар жой хоналари блоклари (тегишли ёшдаги гу-руҳлар) билан.

13. Дам олиш зонаси ўқувчиларнинг турли ёшдаги гуруҳлари учун рекреацион ва ўйин

майдончаларини ўз ичига олади, бунда турар жой ва ўқув блокларидан чиқишлар ўзаро қулай боғланиши керак.

Рекреацион майдончалар кенглиги 4–6 м бўлган, “сайр қилиш йўлагини” ҳосил қилувчи, шаффоф материаллар билан қопланган соябонлар ёрдамида ҳимояланиши лозим.

14. Ўқув-амалиёт зонасида очиқ ҳаводаги ўқув-машғулот майдончаларини (гидрометео-майдонча, иссиқхона, зоопавильон, боғдорчилик ва полиз-реза ўсимликлари учун участка-лар) ҳўжалик зонасидан камида 25 м масофада жойлаштириш тавсия этилади.

15. Ҳўжалик зонасига талаблар, ҳўжалик иморатлари ва техник объектлар таркиби (гараж, сабзавот сақлаш омборхонаси, хожатхона ва бошқа объектлар) лойиҳалаштириш топшириғи-да белгиланади.

Ахлат контейнерлари учун майдонча атроф-муҳитга салбий таъсирини истисно қилиши-ни ҳамда чиқиндини чиқариш учун машина киришини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилиши лозим. Ушбу майдончалардан бино деразалари ва кириш жойларигача, жисмоний тарбия ва рекреацион майдончаларигача камида 25 м бўлиши лозим.

3-§. Ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш

16. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари ҳудудларида ҳавонинг зарур намлиги таъ-минланиши, дам олиш жойлари ташкил этилиши, жисмоний тарбия майдончалари, чиқинди тўплаш ва ҳўжалик майдончалари кўзда тутилиши лозим.

Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг ҳудудларида қуйидаги ободонлаштириш элементлари кўзда тутилади:

гуруҳ (сайр қилиш) ва ўйин майдончалари;

спорт (жисмоний тарбия) ва гимнастика майдончалари;

соғломлаштириш ва бассейн майдончалари;

ҳўжалик майдончаси.

17. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг ҳудудлари ободонлаштирилиши, кўка-ламзорлаштирилиши ва сугориш тизимига эга бўлиши, пиедалар йўлакчалари ва майдонча-лари қаттиқ қопламага эга бўлиши лозим.

18. Яшил майдонлар ихтисослаштирилган таълим муассасалари ҳудудининг камида 40%ни ташкил этиши керак. Кўкаламзорлаштиришда заҳарли мевалари бўлган ўсимликларни, шу-нингдек нохуш хидли, аллергиян ўсимликларни қўллашга йўл қўйилмайди.

Кўкаламзорлаштириш ишлари хоналар, рекреация ва дам олиш жойлари, ўйин, спорт (жисмоний тарбия) майдончалари инсоляциясининг санитария талабларини ҳисобга олган ҳолда бажарилиши керак.

Дерахтлар, одатда, бинолар деразаларидан 10 м дан яқинроқ бўлмаган масофада экили-ши лозим.

Кўришда нуқсони бўлган болаларнинг ҳаракатланишини йўналтириш учун кўкаламзор-лаштиришнинг махсус усулларидан ва ўсимликларнинг декоратив сифатларидан фойдала-ниш тавсия этилади.

19. Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилоти ҳудудидаги ободон-лаштириш элементлари таркиби ва майдонлари мазкур ШНҚга 1-иловада назарда тутилган.

Ихтисослаштирилган таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар) ҳудудидаги ободонлаштириш элементлари таркиби ва майдонлари мазкур ШНҚнинг 2-иловасида белги-ланган.

4-§. Йўлақлар ва кириш-чиқиш жойлари

20. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг ҳудудларидаги йўлақлар ШНҚ 2.07.02 талабларига мувофиқ лойиҳалаштирилиши керак.

21. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг биноларига оlib келадиган асосий кириш ва транспорт йўлақларининг кенглиги камида 3,0-3,6 м, бошқа йўлакларнинг кенглиги камида 2,4 м бўлиши лозим.

22. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг пиедалар ва транспорт воситалари учун кириш жойлари назорат қилиш воситалари (видеокўзатув воситалари, телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари) билан жиҳозланиши керак.

Тўсиқ деворларнинг типи ва баландлиги ҚМҚК 2.07.03 га мувофиқ лойиҳалаштириш топши-риғи билан белгиланади.

23. 100 ўрингача бўлган кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкило-тининг ҳудудида ўт ўчириш машиналари учун битта кириш, 100 ўриндан кўп бўлганда – иккита кириш жойлари (участканинг турли томонларидан) кўзда тутилиши лозим.

Ихтисослаштирилган таълим муассасалари биноларининг атрофида бино деворларидан камида 5 м масофада ёнгин-қутқарув машиналари учун айланб ўтадиган йўлақлар кўзда ту-тилиши лозим.

24. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари ҳудудларидаги йўлақлар, ҳиёбонлар ва майдончалар ёритилиши даражаси камида 6 lx ни, асосий майдончалар ва кириш ҳудудлари-да – камида 10 lx ни ташкил қилиши лозим.

25. Кўриш қобилиятини қисман йўқотган болалар учун очиқ бассейнлар ҳамда ўйин май-дончалари периметрлари бўйлаб камида 1,2 м кенгликда йўналтирувчи (огоҳлантирувчи) так-тил чизиклар ўрнатилиши зарур.

Очиқ, бассейн ҳовузлиларнинг периметри бўйича баландлиги 1 м дан кам бўлмаган тутқич-ли тўсиқларни кўзда тутиш лозим.

26. Қарама-қарши ҳаракатга эга пиедалар йўлақларининг кенглиги камида 2,0 м бўлиши, бўйлама нишаблик 5% дан ошмаслиги керак.

Пиедалар йўлақлари ер ёки газон сатҳидан 5–7 см баландликда, қаттиқ текис қопламага эга бўлиши лозим.

Йўлақларнинг чекчаларида йўл қопламаси билан ранги, акустик ва механик хоссалари бўйича фарқланадиган бордюр тош ёки бошқа материалдан бажарилладиган тўсиқлар бўлиши керак. Йўлақларда баландлиги 55-60 см бўлган тутқич тўсиқлар бўлиши керак.

5-§. Реабилитация, ўйин, жисмоний тарбия ва бошқа мақсадлардаги майдончалар

27. Реабилитация учун гимнастика майдончаларида қуйидаги қўшимча ускуна кўзда тути-лади:

турли қопламаларга (қум, тош ёки ўт) ўрнатиладиган, узунлиги 3–5 м бўлган бруслар; мустақил ҳаракатланишга қодир бўлмаган болалар учун ўлчами 2 x 3 м бўлган манеж; сув ёки рангли пластик тўпчалар билан тўлдириладиган, шишириладиган, ўлчами 2 x 3 м дан кам бўлмаган бассейн.

28. Кичик ёшдаги ноғиронлиги бўлган болалар учун ўйин майдончалари қумдонлар ва махсус ишлаб чиқилган кўтарилиб турувчи ёки унча бандд бўлмаган қурилмалар билан жиҳозланиши, нишаб юзалар бўйича ноғиронлик аравачаларида чиқиш-тушиш ёки уларни ҳайдаш учун жойлар кўзда тутилиши керак.

29. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари ҳудудида хар бир гуруҳ (синф) учун (10-12 киши) камида 36–40 м² ўлчанли соябон ўрнатилган майдончалар назарда тутилиши керак. Шунингдек, икки томондан тўсилган соябонларда ўйин ва боғ анжомларини сақлаш учун ом-борхоналар (6 м²) бўлиши керак.

30. Майдони 20–30 м² бўлган болалар қўмилдалик бассейнлари ўрнатиш лойиҳа-лаштириш топшириғида кўзда тутилади. Қўмилли бассейнлари шишириладиган бассейнлар билан алмаштирилиши мумкин.

31. Спорт (жисмоний тарбия) майдончалари таркибида гимнастика ва спорт ўйинлари учун майдончалар, кичик ўлчамли мактаб спорт ядроси жойлаштирилади.

32. Таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони бўлган болаларга мўлжалланган “городки”, “чил-лак” каби ўйинлар учун универсал майдончалар (450 м²), стол тенниси, махсус ускунали (кор-рекцияловчи жиҳозлар, қайишқоқ қопламалар билан) гимнастика майдончалари кўзда тути-лиши керак.

Бунда, майдончалар атрофида ўйин майдони чегарасидан 2,5–3,0 м масофада тўсиқлар ўрнатилиши керак.

33. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг (мактаблар, мактаб-интернатлар) реабилитация зоналари (шў жумладан, даволаш-гимнастика майдончалари, терренкур, сояри-й) зарур инсоляцияни ҳисобга олган ҳолда жойлашиши лозим.

Тиббий хоналар блокидан реабилитация майдонларигача масофа, одатда 25 м дан ош-маслиги, шунингдек улар ўзаро кенглиги 1,6–2,0 м бўлган йўлақлар билан боғланиши керак.

Кўришда нуқсони бўлган болалар учун терренкур (пиедалар йўлакчалари) ташкил этишда кўприкчалар, жой рельефи бўйича йўл ташкил этиш, уларнинг йўналишини ўзгартириш кўзда тутилади. Бундай болалар учун турли мақсадлардаги атроф-муҳитни ўзлаштириш ва компен-сация реакцияларини ривожлантиришга мўлжалланган махсус майдончаларни кўзда тутиш лозим.

5-БОБ. ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БИНОЛАРИНИНГ ҲАЖМИЙ-РЕЖАВИЙ ЕЧИМЛАРИ 1-§. Умумий талаблар

34. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари биноларининг ҳажмий-режавий ечимлари СанҚваН № 0266-09, ШНҚ 2.08.02 ҳамда ушбу ШНҚ талабларига мувофиқ бўлиши керак.

35. Ёнгин хавфсизлиги ва ноғиронлиги бўлган болаларни бинолардан эвакуация қилишни таъминлаш ШНҚ 2.01.02 ва ШНҚ 2.08.02 талабларига мувофиқ бўлиши керак.

36. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари биноларида кўришда нуқсони бўлган ва кар бўлган болалар учун ҳаракатланиш ва эвакуация йўллари, техник воситалари, муҳандис-

лик жиҳозлари, таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони бўлган болалар учун махсус кўтарма қу-рилмалар, шунингдек биноларнинг ҳажмий-режавий ечимлари ШНҚ 2.07.02 талабларига му-вофиқ лойиҳалаштирилади.

37. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари биноларининг хоналарини табиий ва сунъ-ий ёритишга, шамоллатишга, микроиклим кўрсаткичларига бўлган санитария-гигиена талаб-ларини таъминлаш, хоналарни ертўла ва яримертўла (цоколь) қаватларида жойлаштириш бўйича лойиҳа ечимлари ШНҚ 2.01.05, ҚМҚК 2.04.05 ва ШНҚ 2.08.02 талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади.

Ўқув хоналари ва устахоналардаги табиий ёритиш коэффициенти камида 1,5%, кўришда нуқсони бўлган болалар учун ўқув хоналари ва устахоналарда – 2,0–2,5% бўлиши лозим.

Хоналарни шовқиндан ҳимоялаш бўйича чора-тадбирлар ШНҚ 2.01.08 га мувофиқ кўзда тутилиши лозим.

38. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг биноларини лойиҳалашда қуйидаги талабларга риоя қилиш керак:

ўткир бурчакларнинг думалоклаштирилиши (радиус 0,05 м);

хоналардан чиқиш эшиклари тавақалари ҳаракатланишга тўсқинлик қилмаслиги; ойна со-линган эшикларни қўлтамаслик;

иккинчи ёруғлик билан ёритишни ташкил этишда ойна қўйилмадиган дераза ўйинларини пол сатҳидан камида 1,5 м баландликда жойлаштириш ва уларни синмишдан ҳимояловчи сет-калар билан таъминлаш;

машғулотлар учун синф хоналари, плеопто-ортоптик хона, логопедия хонаси шовқинли, электр ускуналари ўрнатилган хоналар ҳамда лифт шахталари билан туташ бўлмаслиги;

гуруҳ хоналарида, ўйин ва овқатланиш хоналарида, ўқув хоналарида дераза тоқчалари пол сатҳидан камида 0,8 м баландликда бўлиши.

39. Кўришда нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларида тўсқинликсиз эркин ҳаракатланиш таъминланиши лозим. Бунда, бино вестибюлларида ҳамда ҳаракат йўналишида ҳеч қандай бурткилар, колонналар, остоналар ёки пол юзасининг сатҳи-да паст-баландликлар бўлмаслиги керак.

Ҳаракатланиш йўлақлари ШНҚ 2.07.02 ни ҳисобга олган ҳолда махсус қурилмалар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

2-§. Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларининг ҳажмий-режавий ечимлари

40. Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларининг бинолари 2-жадвалда келтирилган хоналарнинг таркиби ва майдонларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳа-лаштирилади.

ШНҚ 2.08.07-22 “НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН БОЛАЛАР УЧУН ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БИНОЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ” ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

маданият хоналари (маънавият-маърифат хоналари, кутубхона-ахборот маркази, тўғараклар, мажлислар зали, кўргазма зали, радиоузел, техник марказ);

ўқув-спорт блоки (спорт зали, тренажёр зали, бассейн, душхоналар, ечиниш хоналари ва санитария узеллари);

табiiй блок (реабилитация, даволаш, муолажа, изолятор ва шифокорлар хоналари);

маъмурий-ҳўжалик хоналари;

реабилитация ва коррекция машғулотлари хоналари;

кўриш ва эшитиш гидрокини ривожлантириш, талаффузни ўргатиш хоналари; даволаш-жисмоний тарбия хонаси;

ижтимоий-маиший ва бошқа машғулотлар учун хоналар.

53. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг (мактаблар, мактаб-интернатлар) сифми ва комплектацисы мазкур ШНҚнинг 4-иловасида назарда тутилган.

54. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида (мактаблар, мактаб-интернатлар) кичик ва катта ёшдаги болалар учун секциялар ўзаро бир-бирдан ажратилиши, ушбу муассасаларнинг ўқув хоналари билан қўлай боғланиши, болаларнинг мақбул яшаш, ўқиш, даволаниш ва реабилитация қилиш шароитлари таъминланиши лозим.

Бунда, секциялар кесиб ўтиладиган бўлмаслиги керак.

55. Ҳар бир секция камида иккита алоҳида жойлашган, туташ ҳудудга мустакил кйриш-чиқиш жойларига эга бўлиши керак.

56. Кичик ёшдаги ҳамда мактабгача тайёрлаш гуруҳларидаги болалар учун ўқув ва турар жой секциялари 3-жадвалда назарда тутилган хоналарни ўз ичига олади. Тарбияланувчи (ўқувчи)ларнинг ҳисобий сони лойиҳалаштириш топшириғида белгиланади.

61. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг (мактаблар, мактаб-интернатлар) синфлари “квадрат” шаклида, кенглиги 6-7 м дан кўп бўлмаган ўлчамда бўлиши керак. Ҳуқувчилар ва ўқитувчилар ўртасида визуал ёки эшитиш контактининг мақбул шароитлари ўқув хонаси узунлиги 7 м дан ошмаганда таъминланади.

Бошланғич синфларнинг майдони камида 32 м², кўришда, таянч-ҳаракат аппаратида нуқсонли бўлган, болалар церебрал фалажи (БЦФ) билан касалланган болалар учун - камида 36 м², 7 ўқувчига мўлжалланган ёрданчи синфларнинг майдони камида 20 м² бўлиши лозим.

Махсус фан кабинетлари ва табиий фанлар лабораториялари майдонини камида 50 м², карлар ва заиф эшитувчилар учун мактабларда - 40 м² ўлчамда кўзда тутиш лозим. Лабораторияларининг узунлиги 7 м дан ошмаслиги лозим.

Препаратлари сақлаш хоналари 16-18 м², лаборантлар учун хоналарнинг ўлчамлари эса камида 24 м² бўлиши лозим.

62. Ишлаб чиқариш ўқув-устахоналари боланғич касбий тайёргарлик имкониятларини ҳисобга олган ҳолда кўзда тутилади. Бунда:

кар болалар учун, нутқида, интеллектуал ривожланишида нуқсонли бўлган болалар учун - тикувчилик, картонаж устахоналари, пазандачилик устахонаси бир иш ўринга - 4,5-5,0 м²;

кўришда ва таянч-ҳаракат функцияларида нуқсонли бўлган болалар учун ҳар қандай мақсадларга мўлжалланган устахоналардаги бир иш ўринга - камида 6 м²;

ёғочга, металлга ишлов бериш ҳамда механика ишлаб чиқариш ўқув-устахоналари бир иш ўринга - 5-8 м² бўлиши керак.

63. Ушбу устахоналар ўқув ёки тўғараклар учун хоналар гуруҳи таркибида, ошпазлик устахонаси овқатланиш блоқида, ёғочга, металлга ишлов бериш ҳамда механика ишлаб чиқариш ўқув-устахоналари ягона блоқда, биринчи қаватда жойлаштирилади.

Устахоналарда омборхона (8 м²), асбоб-ускуналар хонаси (8 м²), санитария узели (3-4 м²) кўзда тутилади.

64. Ишлаб чиқариш ўқув-устахоналарида механик ускуналар жойлаштирилганда йўллар кенглиги кўйидагича бўлиши лозим:

марказий ўтиш йўлаги - 120-160 см;

дастгоҳлар ёки верстақлар орасидаги ўтиш йўлаги - 90 см;

девор ва ускуна ўртасидаги ўтиш йўлаги - 70 см.

65. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг (мактаблар, мактаб-интернатлар) учун ишлаб чиқариш ўқув устахоналарнинг индикатив рўйхати 7-иловада келтирилган.

Ихтисослаштирилган таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар) хоналарининг таркиби ва майдонлари мазкур ШНҚнинг 8-иловасида келтирилган ўлчаларда лойиҳалаштирилиши керак.

67. Ҳуқув блокларидаги рекреация жойлари бир бола учун 1,0 - 1,5 м² ҳисобидан қабул қилинади. Рекреация коридорларининг кенглиги ўқув хоналари бир томонлама жойлашганда камида 2,4 м ва икки томонлама жойлашганда камида 3,0 м бўлиши лозим.

68. Мажлислар заллари одатда 150-200 ўринга мўлжалланиб, залдаги 1 ўринга 0,8-0,9 м² ҳисобидан лойиҳалаштирилади. Мажлис зал бириинчи қаватда жойлаштирилиши ва ташқарига эвакуация чиқиш йўлларига эга бўлиши керак.

69. Кутубхона ҳузурида “Маърифат-маънавият” хонаси (36-40 м²), овоз ёзиб олиш студияси, ўқувчилар кўргазма ишларини сақлаш учун хоналар кўзда тутилади.

70. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида (мактаблар, мактаб-интернатлар) 12 х 24 м ўлчамдаги, баланглиги камида 6 м бўлган универсал спорт заллари кўзда тутилади.

Спорт заллари икки томонлама ёритилиши ва шамоллатиш имкониятига эга бўлиши, биринчи қаватда жойлаштирилиши ҳамда ташқарига эвакуация чиқиш йўлларига эга бўлиши керак.

71. Ошхоналарнинг овқатланиш заллари ўқувчиларнинг 1,5-2 марта алмашинувига мўлжалланган ўриндиқлар сони билан таъминланиши керак.

Овқатланиш залининг майдони залдаги 1 ўрин ҳисобидан куйидагича қабул қилинади: кар болалар ва ақли заиф болалар учун - 1,3 м²;

кўришда нуқсонли бўлган болалар учун - 1,5 м²;

БЦФ ва таянч-ҳаракат аппаратида нуқсонли бўлган болалар учун - 1,6 м².

Ошхоналар биринчи қаватда жойлаштирилиши ва ташқарига эвакуация чиқиш йўлларига эга бўлиши керак.

Овқат тайёрлаш учун электр ускуналаридан фойдаланиш лозим.

72. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида (мактаблар, мактаб-интернатлар) умумий сифми ҳисобидан ўринларининг 5% ни ташкил этадиган изоляторлар кўзда тутилиши, улар биринчи қаватда жойлаштирилиши ва ташқарига эвакуация чиқиш йўлларига эга бўлиши керак.

Изолятор палаталари ҳар бир койкага камида 6 м² ҳисобидан, ҳаракат функциялари бўзилган болалар учун - ҳар бир койкага 8-9 м² ҳисобидан кўзда тутилади. Палаталарда санитария узеллари кўзда тутиш лозим (камида 4 м²).

Изоляторлар таркиби, хоналарининг ўлчамлари ва табиий ускуналар билан жиҳозланиши СанҚваН №0292-11, ШНҚ 2.07.02 ва ШНҚ 2.08.02 талаблари бўйича белгиланади.

73. Табиий блокларида терапевт (12 м²), стоматолог (14 м²), психотерапевт (16 м²), физиотерапия (18 м²), муолажалар (18 м²), массаж (14 м²), ҳамшира (8 м²), инвентарь (6 м²) хоналари назарда тутилади.

Оториноларинголог (врач-сурдолог) хонасига қўшимча - аудиометрик хона, офтальмолог хонасига қўшимча - деворлари тўқ яшил рангга бўялган ёки 3 м ўлчамдаги қоронги хона бўлиши керак.

Таянч-ҳаракат аппаратида нуқсонли бўлган болалар учун рентген (30 м²), гидротерапия ва гидромассаж (30 м²), озокерит ва иссиқ билан ўраш (24 м²), невропатолог (18 м²), протезлаш (24 м²) хоналари ҳамда даволаш жисмоний тарбия заллари (50-100 м²) кўзда тутилади.

74. Ҳожатхона кабинетларининг эшиклари ташқарига очилиши керак. Кабинетлар орасидаги пардеворларнинг (полдан) баланглиги камида 1,75 м бўлиши ва 0,2 м баланглида полга чиқарилган керак. Кабинетлар 0,8х1,0 м ўлчамда бўлиши керак. Кичик ёшдаги болалар учун очик ҳожатхоналар кўзда тутилиши мумкин.

Таянч-ҳаракат тизимида нуқсонли бўлган болалар учун ҳожатхоналар, ювениш хоналари, душхоналар ШНҚ 2.07.02 га мувофиқ махсус тутқичлар ва ускуналар билан жиҳозланиши лозим.

75. Санитария узеллари ўғил ва қиз болалар учун алоҳида бўлиши керак. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида (мактаблар, мактаб-интернатлар) санитария узеллари 6-жадвалга мувофиқ жиҳозланиши керак.

76. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг (мактаблар, мактаб-интернатлар) вестибюллари 40-72 м² ўлчамда бўлиши керак. Уларнинг таркибида дам олиш ва ота-оналар билан учрашувлар жойлари назарда тутилади. Вестибюлга кириш қисмида кенглиги камида 1,8 м бўлган тамбур назарда тутилади.

Вестибюлда кўришда нуқсонли бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг (мактаблар, мактаб-интернатлар) ҳудудидаги барча иншоотларнинг жойлашиши кўрсатилган макети жойлаштирилиши лозим.

77. Маъмурий хоналарнинг таркиби ва майдонлари мазкур ШНҚнинг 8-иловасига мувофиқ лойиҳалаштирилади.

Директор хонасини қабулхона-девоноҳага ҳамда вестибюлга яқин жойлаштириш, ўқитувчилар хонасини ўқув синфлари билан ўзаро боғланган ҳолда жойлаштириш керак.

78. Ҳуқувчилар буюмларини (кийим-кечак, пойабзал) сақлаш хоналари - 1 ўқувчига 0,35 м² ҳисобидан, спорт анжомларини сақлаш хоналари - 1 ўқувчига 0,1 м² ҳисобидан кўзда тутилади.

ШНҚ 2.08.07-22 “Ногиронлиги бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари биноларини лойиҳалаш” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига 1-ИЛОВА

КЎП ТАРМОҚЛИ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ ҲУДУДИДАГИ ОБОДОНЛАШТИРИШ ЭЛЕМЕНТЛАРИ ТАРКИБИ ВА МАЙДОНЛАРИ (96-120 ЎРИН ҲИСОБИДАН)

Номланиши	Майдон, м ² , нуқсонлари бўлган болалар учун ташкилотларда			
	эшитиш ва нутқида нуқсонлари бўлган болалар учун	кўришда нуқсонли бўлган болалар учун	таянч-ҳаракат аппаратида нуқсонли бўлган болалар	интеллектуал ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар учун
Дам олиш жойлари, гуруҳ майдончалари	600-800 320-400	1000-1500 320-400	1000-1500 360-420	800-1200 320-400
Умумий жисмоний тарбия - спорт майдончаси	250-300	250-300	300-400	250-300
Полиз-реза мевазор, манзарали усимликлар	300	300	300	300
Ҳайвонлар ва қушлар учун павильон (майдонча)	40	40	40	40
Ҳўжалик мақсадлари учун майдонча (чикинди контейнерлари билан)	30	30	30	30
Кўкаламзорлар	Участка майдонининг камида 40%			

ШНҚ 2.08.07-22 “Ногиронлиги бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари биноларини лойиҳалаш” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига 2-ИЛОВА

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ (МАКТАБЛАР, МАКТАБ-ИНТЕРНАТЛАР) ҲУДУДИДАГИ ОБОДОНЛАШТИРИШ ЭЛЕМЕНТЛАРИ ТАРКИБИ ВА МАЙДОНЛАРИ (144-288 ЎРИН ҲИСОБИДАН)

Зоналар ва майдончалар	Майдони, м ²			
	таянч-ҳаракат аппаратида нуқсонли бўлган болалар учун	интеллектуал ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар учун	эшитиш ва нутқида нуқсонлари бўлган болалар учун	кўришда нуқсонли бўлган болалар учун
1. Ўқув-амалиёт боғдорчилик-полиз зонаси, шу жумладан: - полиз экинлари участкаси - боғ ва реза мевазор - усимликлар участкаси - теплица (парник)	550-580	650-680	550-580	500-530
2. Ўқув зонаси, жами, шу жумладан: - метеогеографик майдонча - зоомайдон - синф-соёбон	160	160	160	160
3. Спорт зонаси, жами, шу жумладан, майдончалар: - спорт ўйинлари учун, ўт қопламлари - енгил атлетика учун - гимнастика учун анжомлар билан - волейбол-баскетбол учун - стол тенниси учун	3640	3640	3640	2248
4. Дам олиш, рекреация зонаси, шу жумладан: - кичик ёшдаги болалар учун ўйин майдончалари - катта ёшдаги болалар учун ўйин майдончалари - 2-5 кишилик ўриндиқли дам олиш майдончалари	1200-1400	980-1450	1180	1380
5. Ҳўжалик зонаси	300 400-600	300-400 200	300 400	300 600
	200	180-250	180	180
	900	900	900	900

6-жадвал

Хоналар	Ўлчов бирлиги	Майдон, м ²	Анжомлар сони
Мактаб ўқув блоки			
Ҳожатхоналар ва ювениш хоналари: - қизлар учун	1 ўқувчи	0,1	1 унитаз 15 тага 1 қўювгич 20 тага 1 биде 40-50 тага
- ўғил болалар учун	1 ўқувчи	0,1	1 унитаз 20 тага 1 писсуар 20 тага 1 қўювгич 20-25 тага
Ходимлар учун ҳожатхоналар (индивидуал)	1 каб.	3,0	1 унитаз 1 қўювгич
Шахсий гигиена кабинаси (ходимлар учун)	1 каб.	3,5	1 унитаз, 1 биде, 1 қўювгич
Ҳожатхоналар ва душхоналар спортзалларнинг кийиниш хоналаридаги ўғил ва қиз болалар учун ҳар бир кийиниш хонасида			1 унитаз 1 қўювгич 1 оёқ ваннаси 2 душ сеткаси
Турар жой блокларининг таркибида			
Ҳожатхоналар ва ювениш хоналари: - қизлар учун	1 ўқувчи	0,4	1 унитаз 8 тага 1 қўювгич 6 тага 1 оёқ ваннаси 8-10 тага
- ўғил болалар учун	1 ўқувчи	0,4	1 унитаз 10 тага 1 писсуар 10 тага 1 қўювгич 6-8 тага 1 оёқ ваннаси 10 тага
Санитария узелида шахсий гигиена кабинаси	1 каб.	3,0	1 унитаз, 1 биде 1 қўювгич
Душхоналар	1 каб.	1,6	1 душ сеткаси 10-12 кишига
Кийимлар учун илгалки кийиниш хоналари	ўрин		2 ўринга 1 сетка
Ходимлар учун санитария узели		3,0-4,0	1 унитаз, 1 қўювгич, 1 душ
Ванна хона		12,0-14,0	1 ванна, 1душ

4-жадвал

Хоналар	Мактаб-интернатлар хоналарининг майдони, м ²		
	Эшитиш ва нутқида нуқсонлари бўлган болалар учун	Кўришда нуқсонли бўлган болалар учун, таянч-ҳаракат аппаратида нуқсонли бўлган, БЦФ билан касалланган болалар учун	Интеллектуал ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар учун
	3 та синф - 36 киши	3 та синф - 36 киши	2 та синф - 32 киши
Гардероб хоналар билан вестибюль - 0,75-0,8 м ² /киши учун	27	30-32	24-26
Ухлаш хоналари - 4,0-4,5 м ² / киши учун	144 (4-6 кишили хоналар)	162 (4 кишили хоналар)	128 (6-8 кишили хоналар)
Дам олиш хонаси - меҳмонхона	24	30	24-30
Индивидуал машғулотлар учун хона	16	16	-
Ҳожатхоналар (гигиена кабинаси билан), ювениш хоналари, душхоналар, тахминий майдони 1-1,2 м ² /киши ҳисобидан	Майдони санитария анжомлари сонидан (6-жадвал) келиб чиқиб қабул қилинади		
Маиший хоналар (кийимни тозалаш, ювиш, дазмоллаш хоналари) 0,4-0,5 м ² /киши	15-18	20	15
Навбатчи тарбиячи хонаси (душли санитария узели билан)	12 (8+4)	12 (8+4)	12 (8+4)
Шахсий буюмларни сақлаш хонаси	8	8-12	8
Тозалаш анжомлари учун хона	5	5	5

КЎХНА КЕНТНИНГ ЯНГИЛАНАЁТГАН КЎРКАМ ҚИЁФАСИ

Болтабой МАҚҚУРБОНОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Барча худудлар сингари бугун Хоразм вилоятида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Қўли гул қурувчиларнинг машаққатли меҳнати туфайли барпо этилаётган бир-бирдан кўркам, шинам ва замонавий иншоотлар кўхна кентга ўзгача жозиба бағишлаётгани рост. Қуйида ана шундай янгидан барпо этилиб, вилоят аҳолиси учун қулай имкониятлар тақдим этаётган объектлар билан танишасиз.

Қурувчилар меҳнати эътироф этилди

Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий амалий тиббиёт марказининг Хоразм филиали поликлиникаси ҳамда янгидан бунёд этилган қандли диабет асоратларини жарроҳлик йўли билан даволаш бўлими бинолари фойдаланишга топширилди.



Бу ерда беморлардаги касалликлар эрта аниқланиб, реконструктив амалиётлар орқали диабетнинг оғир асоратларини олди олинади. Вилоятнинг ўзига битта марказда малакали мутахассислар томонидан текширувдан ўттиш имконияти яратилди. Мазкур иншоотнинг очилиш маросимида иштирокчилар қурувчиларнинг меҳнатини алоҳида эътироф этишди. Маҳаллий бюджетдан ажратилган 6,3 миллиард сўм маблағ эвазига бино ўз мuddатида фойдаланишга топширилди.

– Аҳолига сифатли тиббий хизматни ташкил этишда кадрлар солоҳияти ҳам муҳим аҳамиятга эга, – деди вилоят эндокринология маркази бош шифокори Ҳайрат Фоййипов. – Тошкент тиббиёт академияси Хоразм вилояти филиали талабалари учун янги бинонинг очилиши назарий билимлар билан амалиётни бирга олиб бориш учун кенг имконият ҳам яратди.

Янги уйлар ўз эгаларига топширилди

Қўшқўпир туманидаги Ёвғур маҳалласида барпо этилаётган "Янги Ўзбекистон" массивининг умумий майдони 32,8 гектарни ташкил этади.



Лойиҳа бўйича ушбу худудда 3 196 та хонадонга мўлжалланган 107 та уй-жой, 528 ўринли замонавий мактаб, 240 ўринли мактабгача таълим ташкилоти, 100 ўринли оилавий поликлиника, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектларини қуриш режалаштирилган. Дастур ижроси бўйича 720 та хонадонли 36 та уй-жойда қурилиш ишлари бошланган бўлиб, ҳозиргача 360 та хонадонли 18 та уй-жой фойдаланишга топширилди.

Эътиборлиси шуки, мазкур уй-жойларнинг асосий қисми ижтимоий химояга муҳтож оилаларга дастлабки бадал пуллари субсидия асосида тўлаб берилляпти. Мустиқиллик байрами арафасида ўз уйларига эга бўлган хонадон соҳибларига маиший техникалар ҳам совға қилинди.

– "Янги Ўзбекистон" массивидаги турар жойлардан икки хонали уй олдим, – деди янги хонадон эгаси Дилшода Раҳимова. – Хоналари жуда шинам ва барча қулайликлар мавжуд. Мен каби ижтимоий химояга муҳтож оилаларга катта эътибор қаратаётган Ўртбошимизга раҳмат.

Шунингдек, жорий йилда тумanning 5 та маҳалласида 234 хонадонли уй-жойлар қуриш ишлари амалга оширилди. Биринги Ифтихор маҳалласида 188 хонадонли уй-жойлар қурилиб, яна 3 та кўп қаватли уй бунёд этилмоқда.

Завод барпо этиляпти

Урганч шаҳрида "Артон" компанияси томонидан умумий қиймати 12 миллион АҚШ доллари бўлган, йилига 200 минг куб метр автоклав газобетон блоклари ишлаб чиқариш заводи қурилишига старт берилди. Заводнинг умумий майдони 4,7 гектарни ташкил этиб, у ишга тушгач 200 иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

Завода янги авлод ишлаб чиқариш ускуналари ўрнатилиши натижасида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкони яратилади. Юқори қулайликларга эга бўлган автоклав газобетон блокларини қуриш ва эксплуатация қилишда муҳим роль ўйнайди. Эътиборли жиҳати, мазкур маҳсулотни ишлаб чиқаришда маҳаллий хомашёдан фойдаланилади.

– Бу лойиҳа Ўзбекистоннинг бир неча вилоятида амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, биринчиси Тошкент вилоятида, иккинчиси Хоразм вилоятида қурилмоқда, – деди лойиҳа раҳбари Абдусалом Абидов. – Автоклавланган газобетон блокларнинг босувчи экологик тоза, энергиятежамкор материал бўлиб, ундан чет мамлакатларда ҳам қурилиш соҳасида самарали фойдаланилмоқда.

Завод 2024 йилнинг охирида ишга тушади.

"Парвоз" меҳмонхонаси фаолият бошлади

Туризм салоҳияти кенг бўлган Хоразм вилоятида меҳмонхоналарга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда.



Яқинда Урганч шаҳрида "Парвоз" меҳмонхонаси фойдаланишга топширилди. 1 миллион АҚШ доллари тенг маблағ эвазига жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган, барча шарт-шароитлари муҳайё бўлган меҳмонхона бунёд этилди. Бино 64 хонали, 130 ўринга эга бўлиб, Урганч Халқаро аэропортидан 3 ва темир йўл вокзалидан 7 километр узоқликда жойлашган. Бу эса воҳага келаётган меҳмонлар учун жуда қулай.

– Меҳмонхонамиз 5 қаватли бўлиб, барча қулайликларга эга, – деди тадбиркор Рустам Матёқубов. – Унда бассейн, сауна, фитнес клублари ишлаб турибди. Меҳмонхона ишга тушиши билан 51 та иш ўрни яратилди.

Поликлиника халқ хизматида

Шовот туманидаги Тупроққалъа маҳалласида жойлашган 54-сон оилавий поликлиника биноси мукамал таъмирдан чиқарилди.

Бинонинг очилиш маросимида туман ҳокими Одилбек Ортиқов ва сектор раҳбарлари, нурунийлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди. Ушбу оилавий поликлиника Катқалъа, Тупроққалъа, Янги турмуш, Ботирлар, Олтинқалъа маҳаллаларининг жами 13 мингдан ортиқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатади.

Поликлиникада аҳолининг даволаниши учун барча шароит мавжуд. Оилавий поликлиникага янги тез ёрдам машинаси ҳам ажратилди.

Қурилиш материалларига талаб ортмоқда

Жойларда қурилиш ишларини сифатли олиб бориш қурилиш материалларини тез ва сифатли тайёрлашга ҳам боғлиқ. Бу бўйича Хоразм вилоятида кенг кўламда ишлар олиб боришмоқда.



2022 йилда вилоятда қурилиш материалларини ишлаб чиқариш бўйича 128 та лойиҳа амалга оширилган эди. Жорий йилда эса умумий қиймати 293 миллиард 800 миллион сўмлик қурилиш материаллари ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Ушбу ишларнинг асосий қисми хусусий секторлар улушига тўғри келади. Масалан, Урганч туманининг ўзига 10 минг метр куб темир-бетон ишлаб чиқариш қуввати яратилган.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи хусусий корхона томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида 1,5 миллиард сўмлик темир-бетон ишлаб чиқарилган. Бу эса ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 300 миллион сўмга ошган.

– Тадбиркорларга берилётган имтиёزلардан фойдаланиб, қурилиш материалларини ишлаб чиқаряпмиз, – деди тадбиркор Саъдулла Матёқубов. – Айниқса, бизларга солиқдан имтиёزلар берилётгани айни муддао бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасининг эркин иқтисодий зоналарда импорт ўрнини босувчи ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариши янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, амалга оширилаётган янги лойиҳалар хусусан, арзон ва сифатли импорт ўрнини босувчи сифатли қурилиш материалларини ишлаб чиқариш имкониятлари бу борада давлатимиз томонидан берилётган имтиёزلардан тадбиркорлар ҳам унумли фойдаланиб, ишлаб чиқариш ҳажминини янада кўпайтирмоқда.

Вилоятда қурилишда зарур бўлган 30 турдан ортиқ бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўналишида фаолият олиб бораётган корхоналарда маҳсулотнинг ҳажми дастлаб 52,6 фоизни ташкил қилган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 22 фоизга ошди. Автоматлаштирилган юқори технологиялар ҳисобига маҳсулотларнинг сифати ошишига эришилмоқда. Аҳамиятлиси, шундаки бу корхоналарда юзлаб ёшларнинг бандлиги таъминланмоқда.

Замонавий МТТ қад ростлади

Янгиариқ туманининг Вакиллар маҳалласида янги 150 ўринли давлат мактабгача таълим ташкилоти биноси фойдаланишга топширилди.



Маҳаллада мазкур мактабгача таълим ташкилотини фойдаланишга топширишга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда маҳалла мутасаддилари, феолар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда Янгиариқ тумани ҳокими вазифасини бажарувчи К. Атажанов сўзга чиқиб, туманда мактаб ёшигача бўлган ўғил-қизларни мактабгача таълим ташкилотларига қамраб олиш борасидаги ишларга тўхталиб ўтди.

Вакиллар маҳалласида бунёд этилган мазкур мактабгача таълим ташкилотини бунёд этиш учун 4 миллиард 472 миллион сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, 30 нафарга яқин хотин-қизлар иш билан таъминланди.

Семинар-тренинг бўлиб ўтди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қўп квартиралар уйлари бошқаришни янада самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазмун-моҳияти бўйича Хоразм вилоятида фаолият юритувчи бошқарув сервис ташкилотлари учун семинар-тренинг ташкил этилди.

Бугунги кунда кўп квартиралар уйлари хизмат кўрсатишдаги муаммолардан бири аҳолининг дебитор қарздорлиги билан боғлиқдир. Рақамларга мурожаат қилса, вилоят бўйича дебитор қарздорлик 18 миллиард сўмдан ошганини кўриш мумкин. Кўп квартиралар уйларидаги кўчмас мулк олди-сотди қилинганда мулк билан бирга унинг бошқарувчи ташкилотга бўлган қарздорлиги ҳам янги мулкдорга қопланмасдан ўтмоқда. Шу сабабли, қарор лойиҳасида 2024 йил 1 январдан нотариус томонидан кўчмас мулк билан битимлар мулкдорнинг мажбурий бадал бўйича қарздорлиги мавжуд эмаслиги аниқлангандан кейин тасдиқланиши, шу билан бирга, янги мулкдорга унга уй-жойга бўлган мулк ҳуқуқи юзга келган пайтдан эътиборан умумий мол-мулкни сақлаш бўйича мажбурий тўловларни амалга ошириш мажбуриятини белгилаш тақдир этилмоқда.

– Бошқарув ташкилотлари рейтингини юритиш масаласини кўриб чиқяпмиз, – деди вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси шўба бошлиғи Умидбек Матниёзов. – Бу усул самаралини ёки самарасизлиги юзасидан аҳоли фикрини эшитиш ҳамда онлайн тарзда таъбиқ қилиш, онлайн овоз бериш ва авария бўлганда онлайн мурожаат қилиш масалалари кўрилади. Рейтинги бўйича уч хил рангда белгиланмоқда. Яшил, сариқ ҳамда қизил. Агарда бошқарув ташкилоти қизил худудга тушиб қоладиган бўлса, у билан автоматик равишда бошқарувчилик шартномалари бекор қилинади.

Ҳарбийларга хизмат уйлари берилди

Урганч шаҳрида Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари учун 5 қаватли 40 та хонадонли турар жой бинолари фойдаланишга топширилди.

Янги уйлarning калитини эгаларига топшириш маросимида Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонни генерал-майор Фарҳоджон Шерматов, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Куролли Қучлар фахрийлари ҳамда ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари иштирок этишди.

10 та уч хонали ва 30 та икки хонали хизмат-лавозим уйлари ҳарбий хизматчиларнинг Урганч горнизонидаги ҳарбий қисм ҳамда муассасаларда хизматни ўташ даврига берилди. Бошқа лавозимга ўтгандан кейин ўрнига келган навбатдаги ҳарбий хизматчига кейинги фойдаланиш учун тақдим этилади ҳамда Мудофаа вазирлиги балансида қолади. Хонадонлар барча қулайликларга эга ҳамда ҳарбий қисм олдида бўлгани учун жанговар шайлиқни юксак даражада ушлаб туришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Тоza ичимлик суви ўтказилмоқда

Аҳолини тоza ичимлик суви билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам ичимлик суви тармоқлари йил сайин кенгайиб бормоқда.

Натижада чекка худудларда яшайдиган аҳоли ҳам тоza ичимлик суви билан таъминланган бўляпти. Маълумотларга кўра, Хоразм вилояти аҳолисининг 90,4 фоизи йил охиригача тоza ичимлик суви билан таъминланиши режалаштирилган.

Жумладан, Янгиариқ туманидаги 9 та маҳаллада тоza ичимлик суви қурувлари ётқизиш белгиланган. Ҳозирги кунгача тумanning Хўжалар, Қўнғирот, Қўшлоқ, Қўриқот, Урганч маҳаллаларига янгидан ичимлик суви қурувлари ётқизилди. 853 та хонадон марказлашган ичимлик суви билан таъминланди. Яқинда "Ширшол" МФЙга ҳам "Хоразм сув таъминоти" МЧЖ томонидан жамиятнинг ўз маблағи ҳисобига 1,3 километр ичимлик суви қурувлари ётқизирилиб, маҳалладаги 66 та хонадон марказлашган ичимлик сувига уланди.

Жорий йил охиригача туманда аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 94 фоиздан ошади.

ЯНА БИР БОР АВТОТУРАРГОҲЛАР ҲАҚИДА ёхуд бугуннинг долзарб муаммоси

Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ,
"O'zbekiston buyodkori" мухбири.

Йилдан йилга аҳолининг демографик ўсиши юқорилаб бормоқда. Бугун деярли ҳар бир оилада биттадан ёки оила аъзоларининг ҳар бирида шахсий автоулов мавжуд. Автомобиллар сонининг ортиши эса тирбандлик ва автотурааргоҳлар етишмовчилигига сабаб бўлмоқда. Биргина Тошкент мисолида айтадиган бўлсак, статистик маълумотга кўра, ҳар минг кишига 240 та автомобиль тўғри келаркан. Бу анча катта ва сезиларли рақам. Айниқса, аҳоли гавжум бўлган барча объектларда: бозор, боғча, масжид, мактаб, тамаддионалар, тўйхоналар олдида автотурааргоҳлар борасида бир қатор муаммолар юзага келмоқда.

Ҳўш, ушбу жараённинг тобора жиддий тус олишига нима сабаб бўляпти?

БИРИНЧИ МАСАЛА

Муаммонинг асосий ўзгариши ўтган асрнинг 60-70 йилларидан қидирамиз. Чунки бугун кўпгина иншоотлар қурилгани билан шаҳар тўла янги қилинган йўқ, эски бинолар ҳам талайгина. Аксарият бинолар мустақилликдан олдинги даврда қурилган. У давр тамойили эса бугунгидан тамоман бошқача бўлган. Ижтимоий жамият учун шахсий мулк анча бегона эди. Мулкка оммавий эгаллик қилиш даврининг асосий қонунияти ҳисобланган. Шу сабабли, қурилган биноларда ҳодимлар сони ва бино сифмига нисбатан автотурааргоҳ режаси умуман бўлмаган. Барча объектларда 4-5, бориинги, 10 ўринли автотурааргоҳга жой қолдириб, режалаштирилган. Бу ҳусусда махсус қонун, талаб ёки низом бўлмаган. Асосий эътибор жамоат транспортига қаратилган.

Ўзбекистон мустақил бўлиши билан бозор иқтисодиёти даври бошланди. Бу орада мамлакатимизда автомобилсизлик саноятининг ривож топиши ва мулкчиликдаги чекловларнинг олиб ташланиши шахсий машинасига эга аҳоли сонининг ортишига сабаб бўлди. Йилдан йилга қурилиш ҳажми кўпайиб, юзлаб объектлар қад ростлади, шаҳар қиёфаси ўзгарди. Аммо "Автотурааргоҳлари бино сифми ва ташриф бурувчилар сонига қараб мослаштирилайлик, эҳ ҳолда, кейинчалик муаммо туғдиради", деган муаммо ўртага ташланмади.

ШНҚ – қурувчининг кодекси, ўта муҳим ҳужжат. Масалан, вазир ёки ҳоким имзолаган ҳужжат бекор қилиниши мумкин, аммо ШНҚ бир қанча вазирлик ва масъуллар имзоси асосида қўчқа қирадиган, бекор қилиши, ўзгартириши ўта мураккаб бўлган ҳужжатлар тоифасига қиради. Шу сабабли ШНҚнинг мазмунини ҳокимият жиддий бурилиш ясай оладиган даражада катта салмоққа эга, дейиш мумкин. Уни қанча тез замон ва шароит нуқтани назардан тақомиллаштирсак, муаммоларга барҳам бериш имкониятимиз ҳам ошади.

Жорий йил автотурааргоҳлар ҳақида ШНҚда алоҳида талаб, яъни, бино ва иншоотлар қурилишида автотурааргоҳларни ҳудудлар белгиладига киши бошига кўра лойиҳалаштириш келганини айтилган. Унга кўра қуйидагича тақсимот қилинганини кўриш мумкин.

Жумладан, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида 1 хонадонга 1 та автотурааргоҳ ўрни, бошқа вилоятларда эса 2 хонадонга 1 та автотурааргоҳ бўлиши назарда тутилмоқда. Мактаб ва боғчаларда 25 нафар боллага 1 та, олий таълим муассасаларида 4 нафар талабга 1 та, шифона ва поликлиникаларда 5 нафар катновчига 1 та, маъмурий оғис, ташкилот ва ҳўжалик муассасалари биноларининг 10 метр квадрат қисмига 1 та, масжидларда 10 нафар ташриф бурувчи учун 1 та, бозорлардаги ҳар икки та савдо жойига биттадан, меҳмонхоналардаги ҳар 5 та ўринга 1 тадан автотурааргоҳ бўлиши шартлиги белгиланди.

Лекин бу стандарт ишлаб чиқилганга қадар қанча объект ташриф бурувчилар сонига номуносив қурилган деб ўйлайсиз?

Масжидлар мисолида тушунтираемиз. Тошкент шаҳрида йўл бўйида қурилган Ислоом ота, Ислоом-обод, Кўкча, Минор масжидларини намуна сифатида танладик. Интернет маълумотларига кўра, Минор масжиди 2 400 нафар намозхонга мўлжалланган. Масжид автотурааргоҳида эса 167 дона машина ўрни мавжудлигини кўриш мумкин. Бу ҳатто янги мезёрий талабга ҳам мос келмайди! Камига, Минор масжиди айтилганидан 3-4 баробар кўп ташриф бурувчига эга. Бу рақам Рамазон ва Қўрбон ҳайитида 10-15 баробарга ортиши ҳам мумкин. Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманидаги Фаргона йўли кўчасида жойлашган Ислоом ота масжиди 2015 йилги бахтсиз ҳодиса сабаб ёнгин остида қолгач, 2016 йил қайта қурилган. Эндиликда масжид 1 500 намозхонни ўз бағрига сиғдиримоқда. Масжид ҳодими билан гаплашганимизда 5 000 га яқин намозхон бемалол сиғишини айтди. Аммо бу ердаги автотурааргоҳ ҳам сифми билан мактана олмайди – 70 ўринли. Майли, булар олдинроқ қурилган дейлик. Аммо шу йилнинг март ойида фойдаланишига топширилган Ислоомобод масжиди 13 минг намозхонни бағрига сиғдириши айтилган, аммо унинг атрофида тахминан 80 ўринга мўлжалланган автотурааргоҳ мавжуд.



Кўпгина тамаддионаларга эътибор қилсангиз, ўз автотурааргоҳи ё мавжуд эмас, ё мутаносиб эмас. Етмагандай, йўл четида автотурааргоҳ сифатида эгаллик қилиб, пул ундирishi ҳолатлари ҳам сўнгги пайларда авж олган. Асосийси, миқозлар машинасига тўлган йўл чети қолган автомобиллар ўтказувчанлигига салбий таъсир қилмоқда. Юқорида ШНҚдаги янгиликдан хурсанд бўлаётган эдик. Аммо бу билан ҳам муаммога тўлиқ ечим топиш мушкулга ўхшайди. Эндиликда янги қурилатган турар жой биноларида ерости автотурааргоҳлари ҳам барпо этила бошлади. Уларнинг нархларини ўрганар эканмиз, ШНҚда муҳим бир деталь кўздан қочирилган, деган хулосага келдик. Ер остидаги катакдаки автотурааргоҳ нархи, ер устидаги нархлар билан қиёсалганда осмон билан ерча фарқ қилади. Бугёнга "аномал" нархлар...

Энг арзон автотурааргоҳ 5 минг АҚШ долларидан бошланиб, энг қиммати 28 минг АҚШ долларигача. Сабабини сўрасангиз, қурувчи қурган уйга автотурааргоҳларнинг алоқаси йўқлигини рўқча қилишди. Масалан, бир қурувчи 150 хонадонли кўп қаватли турар жой қурпяти. Шунингдек, янги ШНҚни асос қилиб олсак, 150 та автотурааргоҳи сотаётган квартираси ҳисобидан мос равишда лойиҳалаштириши, яхлитлаш керак. Ажабки, ШНҚда бундай мажбурий йўқ. Бундан фойдаланган "шоввозлар" автотурааргоҳларга ҳам отасининг нархини кўйиб сотмоқда.

Биз бекорга квартира ва автотурааргоҳ яхлитлиги ҳақида гапирмадик. Бу чет эл амалиётида ҳам бор. Баъзи Европа мамлакатларида 50 м² квартира харид қилсангиз, 1 та автотурааргоҳ уйга қўшимча тарзида берилади. 100 м² квартира олсангиз, 2 та автотурааргоҳ ажратилади. Чунки оилангиз катта бўлиши ва битта оилада 2 та машина бўлиши мумкин. Бизда эса бу амалиёт ҳозирча йўқ.

ИККИНЧИ МАСАЛА

Мақолани ёзиш жараёнида пойтахтимиз бозорлари ҳудудидаги автотурааргоҳлари ҳам ўргандик. Хусусан, Олой бозори, "Малика" савдо мажмуаси, Эски жува бозори ҳудудидаги автотурааргоҳлардаги вазият билан қиздик.

Барча ҳокимлик тасарруфидидаги автотурааргоҳлар учун ҳоким томонидан инзоланган қарор бор, нархлар шу асосда тасдиқланади. Бозор ҳудудидаги автотурааргоҳ нархи Тошкент шаҳар ҳокимининг 2023 йил 21 февралдаги 128-14-0-Қ/23-сонли қарорининг (<https://lex.uz/docs/6388725>) 4-илavasига кўра жорий қилинган.

Бошқа вилоятлардаги нархлар билан ҳам қизиқдик. Водийнинг учала вилоятда ҳам автотурааргоҳдан фойдаланиш нархи ҳолатидан келиб чиқиб, 3-5 минг оралигида. Қашқадарёда ҳам айни шу рақамларни кузатиш мумкин. Вилоятлар ичида энг баланд нарх Самарқандда экани маълум бўлди. У ерда автотурааргоҳлар нархи 5-30 минг оралигида экан. Бир нарсани айтиш керакки, вилоятларда кўпгина автотурааргоҳлар ҳалигача текин. Тошкентда эса нархлар кундан-кун ошиб бормоқда. Бир хусусийман деса, бошқаси ҳокимиятга қарашли эканини айтади. Халққа енгиллик бўлмаса, унинг кимга қарашли эканининг нима фарқи бор?

Яна бир муҳим жиҳат, автотурааргоҳдаги шароит нархига яраша бўлса-ку майли, аммо кўпинча бунинг аксига дуч келамиз. Масалан, Олой бозорининг ён қисмидаги автотурааргоҳда 11 минглик бир марталик тўлов амал қилади. Демак, қарорга кўра, у ер юк тушириш жойи бўлиши керак. Аммо у ер юк тушириладиган жой эканлигига иккиланиб қоласиз. Агар у ер юк тушириш жойи бўлса, хариддор автомобили киритилмаслиги, вақтга нисбатан пул тўлаши керак. Лекин на униси, на буниси, сабабини биландиган одамнинг ўзи йўқ. Бозорнинг ташқи эшигидан чиқиб бориладиган автотурааргоҳда эса вақт амал қилади. Сабабини сўрасак, автотурааргоҳ ҳодимлари елкасини қисиб, "Ҳокимлик шундай белгиланган" дейишдан нарига ўтмади.

"Малика" савдо мажмуасида ҳам шу вазият. Яқин-яқингача бу ернинг автотурааргоҳи бепул эди. Кейинчалик бу автотурааргоҳ ҳам нарх белгиланди – 5000 сўм. Кейинчалик бу нарх 10 минг сўмга кўтарилди. Авваллари деярли текин бўлган автотурааргоҳ нархлари кундан-кунга нега ва нима сабабдан ўсмоқда? Масъул ҳодим билан гаплашганимизда, ушбу жой мўлақо хусусий эканини, ишчилар паст ойликка ишламаётгани сабабли нархларни

муассислар кенгаши ушбу тартибда белгиланганини айтди.

Кейинги манзилимиз Чорсу бозори ҳудудидаги автотурааргоҳлар бўлди. Бир ҳокимликка, бири бозорга қарашли эканини айтган автотурааргоҳлар аҳоли киши кўнглини ранжитди. Сабаби, газетамизнинг 2021 йилги 26-сониди "Дарё тошқин, сувлар тўлқин, ўтолмайман!" ёхуд бозорлардаги "стойанка" муаммолари тугайдими?" сарлавҳали мақола эълон қилинган. Мақола чоп этилгач, бу ҳақда Тошкент шаҳар ҳокимлигига хат ҳам йўлланган. Хатга масала қаноатлантирилиши, тезда муаммо ҳал этилиши таъкидланган жавоб ҳам келган. Афсуски, орадан қарийб 3 йил ўтиб ҳам муаммо ҳал этилмаганини кўриб, очиги, ҳайрон қолдик. Салга чанг кўтарилиб кетадиган, ўйдим-чўқур, ярмини одамлар ёйма бозор қилган автотурааргоҳ жуда таъмирталаб аҳволда. Ҳар кун қуртай санаб олинандиган автотурааргоҳ пуллари қаерга сарфланишини эса ҳеч ким билмайди.

Бу аянчи аҳволдаки автотурааргоҳ "Poystaxt avto parking" МЧЖга тегишли эканини аниқладик. Корхона Муниципал активларни бошқариш марказига қарайди. "Poystaxt avto parking" МЧЖ вакилларидан бири билан ушбу вазият ҳусусида суҳбатлашганимизда, автотурааргоҳ "Узавойўл"га қарашли, дея таъкидлади. Ишчилар эса ҳокимликка қарашини айтишди.

Айтиш керакки, бу, бизда автотурааргоҳлар учун солиқ тартиби қандайлиги ҳақидаги саволларни пайдо қилди. Умуман, автотурааргоҳ нархларини ким белгилаши, давлат тасарруфидидаги автотурааргоҳ тушумлари қандай соҳаларга йўналтирилиши ҳақидаги саволларга жавоб олиш учун Муниципал активларни бошқариш марказига расмий хат билан чиқдик. Мана, икки ойдирки, жавобдан дарак йўқ. Ваҳоланки, озаки муружаат қилганимизда ёзма муружаат қилнса, жавоб берилиши айтилганди.

Вазиятга ойдинлик киритиш ва бир қатор саволларга жавоб олиш учун Солиқ қўмитаси Жамоатчилик билан алоқалар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Музаффар Юсуф Назаров билан суҳбатлашганимизда, мутахассис автотурааргоҳларнинг солиқ тўлаш тартиби ҳақида қуйидаги маълумотни билдирди:

– Автотурааргоҳ ташкил этган Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган юридик шахслар хусусий ёки давлат иштирокидаги корхоналарга қарашли бўлишидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 237-моддасига асосан қўшилган қиймат солиғи ҳамда 461-моддасига асосан, махсус солиқ режими ҳисобланган айлан-

мадан олинандиган солиқ тўлаш тартибини танлаши мумкин. Маъмур фаолият билан шўғулланувчи ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан тўланиши лозим бўлган солиқлар миқдори қўшилган қиймат солиғи ёки айланмадан олинандиган солиқ тўлаш тартибига боғлиқ. Қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлган автотурааргоҳларнинг солиқ миқдори, улар томонидан амалга оширилган товар айланмаси (иш, хизмат) миқдори, эгаллаган ер майдони, мулк қиймати, фойдаланилган сув ҳажми, солиқ даври яқуни бўйича олган соф фойдаси миқдорларига кўра аниқланган солиқ солиш базасидан келиб чиқиб белгиланган солиқларни тўлайдилар.

Худди шундай, махсус солиқ режими ҳисобланган айланмадан олинандиган солиқ (461-моддаси талабларига асосан) тўлаш тартибини танлаган автотурааргоҳлар, бунда солиқ даврида товар (хизмат)ларни реализация қилишдан олнган жами даромади бир миллиард сўмдан ошмаган Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари томонидан амалга оширилган товар (иш, хизмат)лар айланмаси миқдоридан келиб чиқиб, Солиқ кодексининг 467-моддасида белгиланган 4 фоиз ставкада айланмадан олинандиган солиқ ҳамда эгаллаган ер майдони, мулк қиймати, фойдаланилган сув ҳажмларидан келиб чиқиб, Солиқ кодексининг 17-моддасида белгиланган солиқ ва йиғимларни тўлайдилар. Шунингдек, айланмадан олинандиган солиқ (467-моддаси) тўлаш тартибини танлаган юридик шахслар қатъий белгиланган суммада солиқ тўлашни танлашга ҳақли бўлиб, бунда жами даромади беш юз миллион сўмдан ошмаган солиқ тўловчилар бир йиллик солиқ ставкаси бўйича 20,0 млн сўм ҳамда жами даромади беш юз миллион сўмдан юқори бўлган солиқ тўловчилар бир йиллик солиқ ставкаси бўйича 30,0 млн сўм миқдорига солиқ тўлаши мумкин.

Мутахассис берган маълумот асосида айтиш мумкинки, автотурааргоҳларнинг қундалик тушуми нисбатиди айтганда, тўланадиган солиқлар жуда кўркинчи эмас. "Poystaxt avto parking" МЧЖ ва унга боғлиқ вазиятга тўхталандиган бўлсак, улардан ҳеч нарса янглиш ундирилмаган ва бунинг қонунан тасдиғи бор экан, бу вазият билан ўз қарамоғидаги баъзи автотурааргоҳларнинг аянчи ҳолатини ҳаспўйлаш олмайди.

УЧИНЧИ МАСАЛА

Шу ўринда, автобуслар учун алоҳида ажратилган йўлақлар ҳақида тўхталаш ўринлидир. Кўпчилик таксистлар ва шахсий машина эгаларида бу йўлақларга нисбатан салбий қараш мавжуд. Бу бир қанча омилларга боғлиқ.

Биринчидан, юқорида келтирганимиздек, кўп-лаб эски бинолар сузис ҳам автотурааргоҳ етишмовчилигиндан азият чекиб келаётгани. Машиналарни йўл четида қолдириш орқали муаммо бир қанча енгиллашари. Ҳозир эса йўл четида автобус учун йўлақлар ажратилгани боис, машина кўйиш тақилланади. Автобус йўлақларига такси хизмати учун лицензия олган машиналар йўловчи тушириш учун кириб-чиқishi мумкин ҳолос. Автотурааргоҳ етишмайди деган давлат идоралари ҳодимлари ўз машиналарини анча узюққа ташлаб келиши мажбур бўлишапти. Бу эса хавфсизлик масаласини илгари сурди.

Иккинчидан, такси хизматидан фойдаланган йўловчи фавуқлода ҳўжатхона ё дорихонага кириши керак бўлиб қолса, йўл четига тўхтаб олмайди. Чунки таксичи қонидани бузгани учун жарима тўлайди. Бу ҳам нуқолайликнинг бир шакли. Шу сабабли, бу жиҳатлар кенг ракурсда қарашни талаб қилади. Баъзи фавуқлодаги ҳўжатлар ҳам ҳисобга олиниши керак, деб ҳисоблаймиз.

МУТАХАССИС НИГОҲИ

Мақоламизда акс эттирилган муаммолар юзасидан ақсептерлар билан ҳам суҳбатлашдик. Жумладан, "ТошкентбўлошланЛИТИ" бош лойиҳа институти Шаҳарсозлик ва илмий лойиҳалар бўйича директор ўринбосари – Саидазим Шариповнинг фикри қуйидагича:



– Хабарингиз бор, ҳозирда "Янги Тошкент" лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда. Мавжуд шаҳардаги бир қанча муаммоларнинг "Янги Тошкент"да ҳам вужудга келмаслиги учун жиддий киришганимиз. Лойиҳа жамоат транспортига устуворлик берилишини кўзда тутди. Жамоат транспорти қатновини сифатли йўлга қўйиш орқалигина тирбандликка яхшироқ ечим топган бўламиз. Тан олиш керак, Тошкент шаҳри ривожлангани сари аҳоли соню уларнинг фаоллиги ҳам ошиб бормоқда. Бунинг шахсий автомобиллар кўпайиб бораётганида ҳам кўриш мумкин. Шунга мос равишда шаҳар кўчаларида тирбандлик ҳам ортмоқда. Муаммони ҳал этишнинг бир йўли – жамоат транспортини ривожлантириш, унда юришни автомобиль ҳайдашдан кўра қулай қилишдан иборат. Тошкент метрополитенининг охириги ва серкатнов бекатлари ёнида автотурааргоҳлар барпо этиш режалаштирилган. Мақсад – одамлар шахсий автомобиллини шу ерда қолдириб, шаҳар ичкарисига жамоат транспортида боришига шароит яратиш. Барчаниз учун муқобил ечим иш, деб ўйлайман.

Мутахассис асосан шаҳарда тирбандликни қамайтириш учун жамоат транспортига урғу бериш лозимлигини таъкидлаган бўлса, "Узшаҳарсозлик-ЛИТИ" бош лойиҳа институти директор ўринбосари, бош муҳандис – Салоҳиддин Йўлдошев масалага кенгроқ ракурсдан қараш кераклигини айтди, хусусан:

– Ҳозир биз фаолият юритаётган ушбу бино қурилганига анча бўлган. Автотурааргоҳлар борасида жуда қийналамиз. Авваллари автомобиллар йўл бўйига қўйиларди, энди бунга имкон йўқ. Кўп бинолар мутаносиб сифми автотурааргоҳларга эга эмас. Ҳатто янгилари ҳам мактанадиган аҳволда эмас. Узюққа бормаймиз, Дубайда 50 қаватли бино ва унинг ортида 8-10 қаватли автотурааргоҳ, Парижда эса еростига 7-8 қаватли автотурааргоҳлар қурилганини кўрдик. Ҳатто улар газ билан юрадиган машиналар учун автотурааргоҳлар ичини махсус ҳимоя қоплами билан қоплаган. Мабоодо, автомобиль портлайдиган бўлса, бинога ҳеч қандай зарар етмайди. Унингизда эса, ҳатто "Самарқанд зарвоза" савдо кўнгилочлар масканига борсангиз ҳам, газ билан юрадиган автомобилларга рухсат этилмайди.

Биз, аввало, кўп қаватли автотурааргоҳлар ва уларнинг хавфсиз ҳамда қулай шаклларини ҳисобга олишимиз керак. Лойиҳачининг тожи ШНҚ ва ҚМҚ! Биз бу ерда ўз қийимиз ва касбий маҳоратимиз асосида лойиҳа қиламиз. Буюртмачи кўп бандларга бефарқ бўлади, ўзгартиради. Сабаби, қайсидир масала юзасидан аниқ ҳикм бўлиши учун ШНҚда у қатъий белгилан қўйилган бўлиши керак.

"УзшаҳарсозликЛИТИ" бош лойиҳа институти директор ўринбосари, бош архитектори – Бунёд Эрматовнинг қуйидаги фикрларини келтирди:

– Автотурааргоҳлар масаласи жиддий муаммо ҳисобланади. Аҳолининг мобилиги, ижтимоий, иқтисодий лаёқати ошиб бормоқда. Ягона ечим – кўп қаватли ва ерости автотурааргоҳлари, деб ўйлайман. Аввал машиналарга кам ўрин ажратилган бинолар ўз худудининг маълум қисмини автотурааргоҳлар учун ҳам мослаштириш керак. Чунки шаҳарда ер энг қиммат ресурс. Мисол учун, Шимолӣ Тошкент вокзалыда ҳам автотурааргоҳ етишмайди. Бу йўловчи кузатиш ва кутиб олишда жиддий муаммо туғдиради. Шу сабабли, янги лойиҳаларда ерости ва кўп қаватли автотурааргоҳлар қуришни назарда тутпаимиз. Аввал ҳам ўртача сифми ҳисобга олиб, лойиҳалар чизганмиз. Аммо тадбиркор ё буюртмачи фалон нарса керак эмас, дейдиган бўлсан, ҳеч нарса қила олмасдик. Чунки қатъий белгиланган биронта мезёёр ёки талаб йўқ эди.

Салоҳиддин Йўлдошев айтганидек, ШНҚ қанча қучли бўлса, лойиҳачилар маҳорати ҳам шунча юзга қиқади.

ХУЛОСА ЎРНИДА

Мавзуну ёритиш, ўрганиш жараёнида, қолаверса, мутахассислар фикрларига қўлоқ солиб, баъзи хулосаларга келдик. Шу асосда бир қатор тақлифларимизни ҳам келтириб ўтсак.

Биринчидан, автотурааргоҳлар муаммосини ечим учун шаҳар худудини тоифлаш керак. Масалан, Навоий кўчасида фалон-фалон бинолар бор. Уларнинг қўли тарихий бинолар. Дейлик, уларга автотурааргоҳ етишмайди. Шундай ҳудудларда йўлнинг автобус йўлаги чизилган қисмида тўхташга рухсат бериш керакдир. Бундан келиб чиқадиган бўлсак, шаҳарни даврий тоифлаш орқали муаммога бир қадар ечим берган бўламиз. Юқорида мутахассисларимиз ҳам Парижда шунга яқин амалиёт борлигини таъкидлади. Шунингдек, шаҳарнинг эски бинолар мавжуд тарихий қисмида чет йўлақлардан автотурааргоҳ сифатида фойдаланишга рухсат бериш керак. Чунки бинони қайта қуриш иложсиз бўлган, автотурааргоҳ етишмагани туфайли шартли равишда шундай қилиниши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Иккинчидан, кўп қаватли ва ерости автотурааргоҳлари қуришни тезлаштириш ва келажакдаги барча янги лойиҳаларда ушбу амалиётни жорий этиш керак. Кўп қаватли автотурааргоҳ қурадиган тадбиркорларга бир қанча имтиёзлар бериш масаласини ҳам кўриб чиқиш лозим. Бу тўхтаб қолган жараёни тезлаштиришга замин ҳозирлайди.

Учинчидан, келажакдаги янги бунёд этиладиган кўп қаватли уйлар учун автотурааргоҳлар қуриш мажбуриятини шартли қилиб белгилашдир. Янги уй харид қилсангиз, автоматик равишда автотурааргоҳингиз ҳам бўлади дегани (маълум квадрат асосида).

Тўртинчидан, автотурааргоҳлар ҳолатини доимий назоратга олиш, тартибга солиш лозим. Мавжуд тушумланинг тўғри йўналтирилиши очик ва ошқора бўлиши керак. Бу турли норозиликлар ва эътирозларга ўрин қолдирмасдан, шу билан бирга ана шу автотурааргоҳларнинг миқозларга бекуму қўст сифатли хизмат кўрсатишини таъминлайди.

ГЕРМАНИЯНИНГ ҚАДИМИЙ ВА БУГУНГИ АРХИТЕКТУРАСИ ҲАЙРАТИМНИ ОШИРДИ



Дилшода СУЛТОНОВА, СамДАКУ Тасвирий санъат кафедраси профессори в.б., архитектура фанлари доктори (DSc).

Сўнгги йилларда юртимизда таълим тизими, хусусан, хорижий таърибга алмашишга долзарб масала сифатида катта аҳамият қаратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 ноябрдаги “Архитектура-қурилиш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-416-сонли қарори ижроси ҳамда Германиянинг Потсдам амалий фанлар университетининг расмий таклиф хатига асосан, ушбу давлатда хорижий амалиётда бўлиб қайтдик.

“DAAD” фонди грантининг стипендияси совирдорли сифатида 3 ой давомида университетимизнинг халқаро бўлими ҳамда Тасвирий санъат кафедраси йўна-

лиши талаби доирасида тузилган стажировка режасига асосан Потсдам амалий фанлар университетидега илмий стажировка ўташга муваффақ бўлдик. Илмий

изланишим мавзуси асосан Берлин-Бранденбург меъморчилиги билан боғлиқлиги сабаб, стажировка давомида Берлин ҳамда Бернау шаҳарларининг тарихий ва

замонавий меъморчилиги билан яқиндан танишдик. Берлин-Бранденбург ва Бернау шаҳарлари ижтимоий муҳити меъморчилигининг қиссий таҳлили йўналишидаги илмий изланишим бўйича хориждаги илмий маслаҳатчим, профессор-доктор Штеффан Лау ҳамкорлигида Германиянинг қадимий маъмурий Ратхаус архитектураси, унинг ташқи ва ички бадий безаклари таҳлилини ўргандик.

Шунингдек, сафар давомида Потсдам амалий фанлар университети, Берлин ва Бернау марказининг бой кутубхонасига аъзо бўлиб, қизиқarli адабиётларни ўқиб-ўргандик. Илмий машғулотлардан бўш пайтимизда музей ва кўргазмаларга бориб, немис халқининг санъат асарларидан баҳраманд бўлдик. Таникли расомлар Альбрехт Дюрер, Густав Климт, Боттичелли, Рембрандт ва Питер Брейгелларнинг кўргазмалари ҳам менда катта таассурот қолдирди.

Бундан ташқари, Германиядаги пайтимизда Бранденбургнинг Франкфурт-Майн, Эберсвальде, Целерник, Нидерфиноф-Хавел, Бух, Панкетал, Панков каби масканларга илмий сафарларда бўлдик. Қадимий Бернау шаҳрида аънанавий равишда ўтказиладиган Гусистлар фестивали бизда катта қизиқиш уйғотди. Унда немис халқининг тасвирий ва халқ амалий санъати намуналари акс этган қарикатура, кулолчилик, майда пластика, ёғоч косагарлиги, мунчоқ санъати намуналари намойиш этилди. Германиянинг маданияти ва тарихини ўрганишда ушбу тадбир тадқиқотчи олим сифатида менда ижобий таассурот қолдирди.

Яқинда эса шу мавзу доирасида “Қурилиш маданияти ва иклими асраш” халқаро туркум конференция бўлиб ўтди. Унда кўрдошларимиз – ТАКУ ўқитувчилари Д. Назарова, Н. Тўқбоева, Б. Азизова, ТАКУ ва БухДУ талабалари билан биргаликда қатнашдик. Шунингдек, Потсдам университети кутубхонаси фойсидида ўзбекистонлик ўқитувчи ва талабаларнинг тасвирий санъат кўргазмасида ҳам БухДУ талабаси Ф. Қурбонов билан меъморчилик йўналиши бўйича иштирок этдик.

Потсдамдаги амалиётнинг муваффақиятли якунлагани муносабати билан ташкил этилган тантанали тадбирда университет президенти, профессор-доктор Ева Шмидт Родермунд томонидан “Ма-лака сертификати” тақдим этилди. Ташкилотчилар – Фрау Ребс ва Ситора Клауслар томонидан Бернау шаҳрининг АWO-Treff ижтимоий ёрдам ташкилоти фойсидида “Бернау таассуротлари” деб номланган 37 та экспонатдан иборат экспозиция намойиш этилди. Булар – Германияда ўтган умрим давомида эришган катта ютуқларим, десам арзийди.

Асарларимда шаҳар марказидаги тарихий миноралар, Бернау шаҳри рами бўлган айиқ монументли курант, неоготик услубдаги кўнгирак жарангини таратувчи ўқсимон гумбазли Санта Мария черкови, фахверкли турак жойлар, Ратхаус ва эски дорихона биноси ва томи табиий шифердан терилган мансардли уйлари алоҳида мөхр билан тасвирлашга ҳаракат қилдим. Қаламтасвир ва рангтасвир (акварел, мойбўёқ) техникасида, турли рангли қоғоз юзасида эса фломастерда шаҳарнинг диққатга сазовор меъморий манзараси ҳамда алоҳида бино безак қисмларини тасвирладим. Айниқса, мени олмон архитектураси ўзининг аънанавий Ратхаусларининг турли шаклдаги фронтонлари, эски ва янги меъморчиликнинг уйғунлиги билан ҳайратга солди. Ҳар бир қурилган тарихий бино фасадида унинг бунёд этилган йили ўйиб ёзилиб, кейинчалик денквал, яъни, тарихий ёдгорлик белгиси қўйилган.

Келгусида ҳам Потсдам амалий фанлар университети билан ҳамкорликда илмий-ижодий фаолиятимни Бернау ва Берлин-Бранденбург маданияти билан боғлаб олиб бориш ниятиданам. Хусусан, жорий йилнинг октябрь ойида Тошкент архитектура-қурилиш университетидега германиялик ҳамкорларимиз билан биргаликда “Восточное партнерство” гранти доирасида Ўзбекистон маҳалларини тадқиқ этиш йўналишида халқаро анжуман ўтказишни режалаштираримиз.



IQTIMOY-IQTISODIY GAZETA
O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров
(Тахрир ҳайъати раиси),
Шерзод Хидоятлов,
Давронжан Адилов,
Озода Жўраева,
Қозим Туляганов,
Юлдаш Мағрупов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Элмуродов,
Қудратбек Хошимбеков.

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир	Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари	Райҳона Ҳўжаева
Саҳифаловчи	Акмал Махкамов
Мусахҳиҳ	Марҳамат Мусулмонкулова

Газета «Ўзбекистон бунёдкори»
Наشريёт уйи МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ»
НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ
МУАССИСАЛРИ:

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлиги,
«Ўзсанотқурилишматериаллари»
уюшмаси, «ЎЗАШКЛИТИ» ДУК,
«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвести» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.
Телефонлар:
71-241-01-49 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-49 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz
ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:
Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 91-479-55-11.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 99-831-11-15.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0874-рақам билан
рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-1037.
1620 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 4 табоқ, офсет усулида
босилган. Баҳоси келишилган
нархда. ISSN 2181-8762.
Тахририятга келган қўлёзмалар
тақриз қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.
Газета тахририят компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сифатли чоп этилишига
«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.
Набатчи муҳаррир – Р. Ҳўжаева.
Набатчи – А. Ҳақбердиев.

ЎА якуни – 22.52.
Тошириди – 00.15. 12 3 4 5 6

Газетанинг навбатдаги сони
2023 йил 17 октябрь кунини чиқади.

Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

Октябрь ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Қурилиш соҳасида тендер, рейтинг ва буюртмачи тизимини методологик таъминлаш бўлими бошлиғи **Даврон Мелиев**, Йиғма ахборот-таҳлил бўлими бошлиғи **Камолитдин Абдуваҳҳобов**, хизмат хоналари фарроши **Нафиса Дўсमतова**,

“O'zbekiston bunyodkori” газетасининг Хоразм вилояти бўйича муҳбири **Болтабой Матқурбонов**,

“Қурилиш соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва рақамлаштириш бўлими бош мутахассиси **Файзуллаҳон Қурбанов**,

“Ташипрогор” АЖ 1-сонли устaxonа мудири в.в.б **Хайрулла Раҳматуллаев**,

“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” Давлат муассасаси етакчи муҳандиси **Андрей Васильев**,

“O'zog'irsanoatloyiha” АЖ Бино ва иншоотларнинг инспекция ва ягона техник ечимларини ишлаб чиқиш бўлими инженери **Асрорхожа Бахриддинов**, бош мутахассис **Раҳимжан Мамажанов**, Лойиҳаларни автоматлаштириш ва электрон архивлаш бўлими нусха кўчириш ускуналари оператори **Гулчеҳра Шамуталова**,

Бухоро вилояти Ромитон туман қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Худойшукур Аблоқулов**,

Жиззах вилояти қурилиш соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-синов лабораторияси ва бино-иншоотларни техник ҳолатини ўрганиш бўлими лаборанти **Ойбек Юлдашев**, Рўйхатдан ўтмаган қурилиш объектларини назорат қилиш бўлими етакчи мутахассиси **Шохруҳ Маматқулов**,

Қорақалпоғистон Республикаси, Амударё тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими Бош режаларни амалга ошириш ва объектларни жойлаштириш бўйича архитектор **Асолат Мадамидинов**,

Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бош муҳандиси **Жамолитдин Қурбонов**,

Хоразм вилояти, Гурлан тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими юрисконсулти **Мақсуджон Юлдашев**, Урганч шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими Аҳоли пунктлари шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўлими бош мутахассиси **Фахриддин Ходжаев**, Коррупцияга қарши курашиш бўйича комплаенс назорат тузилмаси раҳбари **Маркс Абдуллаев**,

Навоий вилояти, Навоий шаҳридаги “NUR-SULTON-BEK 2020” МЧЖ раҳбари **Мухаммад Ҳайитов**, Навоий шаҳридаги “АРТ Хауз БСК” МЧЖ раҳбари **Азамат Асадов**,

Наманган вилояти, Чортоқ тумани “Chortoq yagona obod-uy kommunal servis” МЧЖ раҳбари **Акрамжон Ҳамидов**, Наманган туманидаги “Namangan boshqaruv servis professional kompaniyasi” МЧЖ раҳбари **Ж. Маликов**, Учқўрғон туманидаги “Sabih Soliha Muxammadamir” МЧЖ раҳбари **С. Усманов**,

Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳридаги “Миёнқўл смарт” МЧЖ раҳбари **Улугбек Хайиров**,

Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳридаги “Дехқонобод коммунал сервис 2020” МЧЖ раҳбари **Гулбаҳор Хайруллаева**,


Фарғона вилояти, Риштон туманидаги “Vatan ravnaqi kommunal servis 21” МЧЖ раҳбари **Акмалжон Азимжонов**,

Тошкент шаҳри, Сергели туманидаги “New era Building” МЧЖ раҳбари **Файзулла Нигматов**, Учтена туманидаги “Barkamol avlod” МЧЖ раҳбари **Дилшод Мусоходжаев**, Яшнобод туманидаги “Integral Ser-tech БСК” МЧЖ раҳбари **Нозимжон Бобоев**,

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касба уюшмаси Республика Кенгаши Хоразм вилояти худудий кенгаши раиси Камолитдин Рўзметовларни таваллуд кунин билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК,
УЗОҚ УМР,
ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК,
МУСТАҲҚАМ СОҒЛИҚТИЛАЙМИЗ!**

Вилоятларда ижодий учрашувлар давом этмоқда



Хабар бериб келаётганимиздек, жойларда “O'zbekiston bunyodkori” газетаси тахририяти ходимлари ҳамда қурилиш соҳаси вакиллари ўртасида ижодий учрашувлар ташкил этилмоқда.

Навбатдаги учрашувлар Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида фаолият олиб бораётган қурилиш, уй-жой ва коммунал хўжалиги соҳасида фаолият юритувчи корхоналар, худудий назорат қилиш инспекциялари, лойиҳа ҳамда қурилиш-пудрат ташкилотлари ходимлари иштирокида бўлиб ўтди.

Учрашувда иштирокчилар газета ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдириб, унда ўзларини қизиқтирган мавзуларнинг кўпроқ ёритилиши ҳақидаги таклифларини билдиришди. Қолаверса, сўнгги пайтда газета саҳифаларида эълон қилинаётган қурилиш соҳасига доир қарор ва фармонлар, шаҳарсозлик норма ва қоидалари билан таниш-ётганидан мамнуңлигини айтишди.

Худди шундай ижодий учрашувлар Самарқанд ва Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаларида ҳам бўлиб ўтди. Унда иштирок этган қурилиш, лойиҳа ва худудий назорат қилиш инспекцияси вакиллари ўзларини қизиқтирган барча саволларга тахририят ходимларидан батафсил жавоб олишди.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги жамоаси бир неча йиллар давомида Қашқадарё вилояти бош архитектори лавозимига ишлаган, тажрибали архитектор **Шухрат ҚУРБОНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига қуқур таъзия изҳор қилади.